

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ҚОНУНЧИЛИК**  
**ТЎПЛАМИ**

**34-сон**  
**(1054)**  
**2022 йил**  
**август**

*Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:*

*биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

**МУНДАРИЖА**

*Иккинчи бўлим*

305. «Мулк ҳуқуқининг дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилиш, мулкий муносабатларга асоссиз аралашувга йўл қўймаслик, хусусий мулкнинг капиталлашув даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 24 августдаги ПФ–198-сон Фармони
306. «2022-2023 йилларда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 августдаги ПК–357-сон қарори

*Учинчи бўлим*

307. «Давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва буталарни экиш, парвариш қилиш ва улардан фойдаланиш тартибини янада такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 22 августдаги 464-сон қарори

308. «Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида фаолият кўрсатадиган мактабдан ташқари нодавлат спорт-таълим муассасаси тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 22 августдаги 466-сон қарори
309. «Бошқа шахсга ўтказиш тақиқлаб ёки хатлаб қўйилган мол-мулклар электрон маълумотлар банкини шакллантириш, юриштиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 22 августдаги 468-сон қарори
310. «Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида жойлашган умумий ўрта таълим муассасаларида соғлом овқатлантириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 25 августдаги 472-сон қарори

### Бешинчи бўлим

311. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2022 йил 2 августдаги 32-ҚҚ-сон, Ички ишлар вазирлигининг 2022 йил 20 июлдаги 33-ққ-сон ва Давлат хавфсизлик хизматининг 2022 йил 29 июлдаги 13-сон «Суд ҳужжати асосида берилган ижро ҳужжатини ёки ижро ҳужжати бўлган суд ҳужжатини узрсиз сабабларга кўра ижро этмаган қарздор жисмоний шахснинг Ўзбекистон Республикасидан чиқишини вақтинча чеклашни таъминлаш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси, Ички ишлар вазирлиги ва Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларининг ҳамкорлиги тартиби тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 24 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3196-1*)
312. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2022 йил 13 августдаги 270-сон «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси магистратурасига қабул қилиш ва ўқитишни ташкил этиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 24 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3381*)
313. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги директорининг 2022 йил 24 августдаги 9-2022-сон «Давлат кадастрлари ягона тизимига тегишли давлат кадастрлари маълумотларининг таркиби ва уларни тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 25 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2618-1*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## **305** Мулк ҳуқуқининг дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилиш, мулкый муносабатларга асоссиз аралашувга йўл қўймас- лик, хусусий мулкнинг капиталлашув даражасини ошириш чо- ра-тадбирлари тўғрисида\*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 август куни ўтказилган тадбиркорлар билан очиқ мулоқоти доирасида белгиланган мулкый ҳуқуқларнинг ишончли ҳимоясини яратиш, ушбу ҳуқуқларни чеклаётган омилларни бартараф этиш бўйича вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида, шунингдек, 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясига мувофиқ:

1. Хусусий мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқини бевосита ёки билвосита чеклашни назарда тутувчи, мулкый муносабатларда бозор иқтисодиёти тамойилларини тўлиқ жорий этишга тўсқинлик қилувчи қўйидаги тартиблар, талаблар ва чекловлар 2022 йил 1 сентябрдан бошлаб бекор қилинсин:

а) ер участкаларига бўлган ҳуқуқлардан фойдаланиш соҳасида:

ер участкаларига бўлган ҳуқуқнинг вужудга келиши учун асос бўлган ҳужжатларни, шу жумладан Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳужжатларини уларнинг ўзи ёки юқори турувчи орган ва мансабдор шахслар томонидан, хусусан прокурор протести асосида бекор қилиш йўли билан ер участкасига бўлган ҳуқуқни тугатиш, бундан ушбу ҳужжатларни суд томонидан бекор қилиш ёки ҳақиқий эмас деб топиш ҳолатлари мустасно;

ер участкасидан ихтиёрий воз кечилганда унга бўлган ҳуқуқнинг бекор қилинишини Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарори билан расмийлаштириш. Бунда, ер участкасидан ихтиёрий воз кечиш тўғрисида нотариал тасдиқланган ариза ушбу ер участкасига бўлган ҳуқуқларни бекор қилиш учун асос бўлиб ҳисобланади;

юридик шахс тугатилиши муносабати билан унинг ер участкасига (қишлоқ хўжалиги ерларидан ташқари) бўлган ҳуқуқларини бекор қилиш. Бунда, ушбу ҳуқуқлар юридик шахс муассисларига (иштирокчиларга), агар қонунчиликда, таъсис ҳужжатларида ёки муассислар ўртасидаги келишувга мувофиқ бошқача шартлар назарда тутилмаган бўлса, уларнинг юридик шахсдаги улушига (қўшилган ҳиссасига) мутаносиб равишда ўтказилади;

ер участкаларини жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйишда компенсация

\* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 25 августда эълон қилинган.

сифатида давлат мулкидаги бошқа кўчмас мулк объектини мулк қилиб бериш, бундан кўп квартиралар уйларда жойлашган турар жой объектлари мустасно;

б) турар жойга бўлган мулк хуқуқларни амалга ошириш соҳасида:

турар жойга нисбатан мулк хуқуқларга ёки турар жой мулкдори билан қариндошлик алоқаларига эга бўлмаган шахсларни ушбу турар жойдан доимий рўйхатдан чиқариш учун уларнинг розилигини олиш, бундан тарафлар ўртасида бошқача келишув тузилган ҳолатлар мустасно;

суд томонидан турар жойга нисбатан инсофли эгалловчи деб топилган жисмоний шахсдан ушбу турар жойни унга нисбатан мулк хуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб уч йил ўтгач натура шаклида талаб қилиб олиш;

в) жисмоний ва юридик шахсларга мулк хуқуқи билан тегишли бўлган бино ва иншоотлар, транспорт воситаларидан фойдаланиш соҳасида — мулк хуқуқларнинг вужудга келиши учун асос бўлган маъмурий ҳужжатларни ушбу ҳужжатни қабул қилган ёки юқори турувчи маъмурий орган ва мансабдор шахслар томонидан, хусусан прокурор протести асосида бекор қилиш йўли билан хуқуқларни тугатиш, бундан ушбу ҳужжатларни суд томонидан бекор қилиш ёки ҳақиқий эмас деб топиш ҳолатлари мустасно;

г) корпоратив муносабатлар соҳасида:

давлат органлари томонидан давлат иштирокидаги корхоналар мол-мулкни тасарруф этиш бўйича норматив-хуқуқий ҳужжатлар ёки бошқа кўринишдаги маъмурий ҳужжатлар қабул қилиш амалиёти. Бунда, хўжалик жамиятининг устав фондидаги (капиталидаги) давлат улушига (акцияларига) эгаллик қилувчи давлат органлари улушдор (акциядор) сифатида қарорлар қабул қилишни (овоз беришни) юқори турувчи давлат органи билан ёзма тарзда келишиб олиши мумкин;

юридик шахсларнинг устав фондидаги (капиталидаги) гаровга қўйилган улушларни (қўшилган ҳиссаларни) гаровга олувчининг розилигисиз тасарруф этиш амалиёти. Бунда, мазкур розилик олинмаганлиги таъсис ҳужжатларига киритилган ўзгартиришларни давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш учун асос бўлиб ҳисобланади, бундан қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно.

2. 2023 йил 1 январдан бошлаб Кадастр ва кўчмас мулкларни рўйхатдан ўтказиш интеграцион ахборот тизими (кейинги ўринларда — UZKAD тизими) кўчмас мулк объектларига бўлган хуқуқларнинг давлат реестри ҳамда кўчмас мулк объектлари ҳақидаги маълумотлар юритиладиган, маълумотларининг ҳақиқийлиги ва ишончлилиги давлат томонидан кафолатланадиган ягона ахборот тизими этиб белгилансин.

Бунда:

UZKAD тизимига Гаров реестри, «Нотариус» автоматлаштирилган ахборот тизими, Кўчмас мулк объектлари манзиллари ягона реестри, Тадбиркорлик субъектлари ягона давлат реестри, Ўзбекистон Республикаси солиқ тўловчиларининг ягона реестри, «Давлат мулки» ахборот тизими, Нодавлат нотижорат ташкилотлар ва уларнинг бўлинмалари реестри, лицензиялар, руҳсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар ва хабарномалар реестрлари ва кўч-

мас мулк объектларига оид маълумотлар юритилаётган бошқа барча давлат ахборот тизимлари интеграция қилинади ҳамда реал вақт режимда онлайн маълумот алмашинуви йўлга қўйилади;

онлайн маълумот алмашинуви пайтида кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқ қоғоз шаклида ёки бошқа ахборот тизимида давлат рўйхатидан ўтказилганлиги, шу сабабли UZKAD тизимида бўлмаганлиги аниқланган тақдирда, уч кун ичида ушбу ҳуқуқ UZKAD тизимида ҳақ ундирмасдан ва ариза талаб қилмасдан давлат рўйхатидан ўтказилади ва маълумот тақдим этилади;

кўчмас мулк билан боғлиқ битимларни расмийлаштириш ва давлат рўйхатидан ўтказиш UZKAD тизимидаги маълумотлар асосида амалга оширилади, кўчмас мулк ҳақида ушбу тизимда бўлмаган бошқа маълумотларни талаб қилишга йўл қўйилмайди, маълумотларнинг ҳаққонийлиги давлат томонидан қафолатланади, бундан қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно;

жисмоний ва юридик шахсларга солиқларни ҳисоблаш, нотариал ҳаракатларни расмийлаштириш, давлат хизматлари, банк, коммунал, суғурта ва бошқа оммавий хизматларни кўрсатишда кўчмас мулкка оид барча маълумотлар тегишли давлат органлари ҳамда хизмат кўрсатувчи шахслар томонидан UZKAD тизимидан олинади;

Кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестрига киритилган ёзувлар ва кўчмас мулк объектлари бўйича «мулк тарихи»га оид маълумотлар жисмоний ва юридик шахслар учун очиқ бўлади ва улардан ҳақ эвазига Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали фойдаланилади, давлат сирига оид ҳамда «Шахсга доир маълумотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунида назарда тутилган маълумотлар бундан мустасно.

Кадастр агентлиги қоғоз шаклида ёки бошқа ахборот тизимларида давлат рўйхатидан ўтказилган кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар ҳақидаги маълумотларни ҳар бир кўчмас мулк объектини босқичма-босқич идентификациялаган ҳолда UZKAD тизимида тўлиқ ўтказсин.

### 3. Қўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер участкалари жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши муносабати билан зарарларнинг ўрнини жисмоний ва юридик шахсларга қоплаш бўйича республика марказлаштирилган жамғармаси — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Жисмоний ва юридик шахсларга етказилган мулккий зарарларни компенсация қилиш бўйича республика мақсадли жамғармаси (кейинги ўринларда — республика компенсация жамғармаси) этиб;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги Ер участкалари жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши муносабати билан зарарларнинг ўрнини жисмоний ва юридик шахсларга қоплаш бўйича ҳудудий марказлаштирилган жамғармалар — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги Жисмоний ва юридик шахсларга етказилган мулккий зарарларни компенсация қилиш бўйича ҳудудий мақсадли жамғармалар (кейинги ўринларда — ҳудудий компенсация жамғармалари) этиб қайта номлансин.

4. Маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланишнинг амалдаги тартибини сақлаб қолган ҳолда, 2023 йил 1 январдан бошлаб қуйидагилар натижасида етказилган зарарлар республика ва ҳудудий компенсация жамғармалари маблағлари ҳисобидан қоплаб берилиши белгилансин:

кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестрига ноқонуний ёки ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларнинг киритилиши натижасида уларга ишониб ҳаракат қилган жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарар;

давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари ва хизматчиларининг қонунга хилоф деб топилган қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида мулкдорга етказилган ва суднинг қонуний кучга кирган қарори билан аниқланган зарар;

терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар, суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органлари ва суднинг қонунга хилоф деб топилган ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли етказилган зарар ва маънавий зиён;

мазкур Фармоннинг 1-банди «б» кичик бандида назарда тутилган ҳолларда турар жой инсофли эгалловчидан талаб қилиб олинмаслиги натижасида мулкдорга етказилган зарар.

5. Белгилаб қўйилсинки:

ушбу Фармоннинг 4-бандига асосан республика ва ҳудудий компенсация жамғармалари маблағлари ҳисобидан амалга оширилган тўловлар кейинчалик айбдор шахслардан тўлиқ миқдорда регресс тартибида ундириб олинади, бундан мазкур банднинг учинчи ва тўртинчи хатбошиларида назарда тутилган ҳоллар мустасно;

қонунчиликда ушбу Фармоннинг 4-бандида назарда тутилган зарарларни қоплашнинг бошқа манбалари белгиланган ҳолларда, компенсация тўловлари республика ва ҳудудий компенсация жамғармалари маблағлари ҳисобидан амалга оширилиб, кейинчалик ушбу манбалар ҳисобидан қоплаб берилади;

суднинг қарори билан зарарни қоплаш зарар етказилишида айбдор бўлган мансабдор шахслар зиммасига юкланмаган ва (ёки) регресс тартибида ундириб олиш шартсиз давлат томонидан қоплаб берилиши кўрсатилган ҳолларда, республика ва ҳудудий компенсация жамғармалари маблағлари ҳисобидан амалга оширилган тўловлар Давлат бюджетидан қоплаб берилади.

6. Адлия вазирлиги, Бош прокуратура, Олий суд, Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, Савдо-саноат палатасининг мулк ҳуқуқи дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилиш, мулкий муносабатларга асоссиз аралашувни чеклаш мақсадида қуйидаги ҳуқуқий институтларни қонунчиликда ва юридик амалиётда қўллаш кўламини янада кенгайтириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин:

а) фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усулларини, бунда:

инсофли эгалловчининг мулкий ҳуқуқлари ҳимоя қилинади, мулкдорнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашнинг молиявий механизмлари қўлланилади;

кредит таъминоти сифатида гаровга қўйилган мол-мулк белгиланган

тартибда аукцион орқали сотилганда, кредиторнинг розилигига кўра, сотиб олувчига мулкнинг қийматини уч йилгача бўлиб-бўлиб тўлаш ҳуқуқи берилади;

б) маъмурий ва жиний жавобгарликка тортиш учун асос бўладиган хусусий мулк ҳуқуқини бузиш ҳолатлари рўйхатини, бунда, мансабдор шахслар ва хизматчиларнинг қонунда тўғридан-тўғри кўрсатилган ҳолатлардан ташқари қуйидаги ҳаракатлари хусусий мулк ҳуқуқини эркин амалга оширишга аралашуш ва дахлсизлигини бузиш деб ҳисобланади ҳамда уларга нисбатан жиний жавобгарликка тортишгача бўлган чоралар қўлланилишига асос бўлади:

мулкка эркин эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва тасарруф этишни чеклаш, тақиб қўйиш, мулкнинг ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни асоссиз рад этиш ёки бошқача ҳар қандай кўринишда мулкдор ёки унинг мулкнинг ҳуқуқларига таъсир ўтказиш;

мулкдорнинг хўжалик фаолиятига ёки мол-мулкдан фойдаланиш натижасида олинадиган ҳосил ва маҳсулотни реализация қилиш ҳамда даромадларни тасарруф этишга аралашуш;

хусусий мулк объекти ва у жойлашган ҳудудга, шу жумладан турар жой бўлмаган кўчмас мулк объектига мулкдорнинг рухсатсиз кириш, бу ҳақда учинчи шахсларга кўрсатма бериш;

мол-мулкни ва унга бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга ўтказиш, фойдаланишга бериш ёки бошқача тарзда тасарруф этишга аралашуш, бу тўғрисида ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиш;

мулкдорга унинг ихтиёрига зид тарзда мол-мулк билан боғлиқ ижтимоий, иқтисодий ёки бошқа давлат ва жамоатчилик вазифаларини юклаш ёхуд номақбул шартларни қўйиш;

мол-мулкдан мулкдорнинг розилигисиз ва тегишли ҳақ тўламасдан фойдаланиш;

мол-мулкка эгалик қилиш ва ундан фойдаланишга оид маълумотларни сўраш ёки бундай маълумотларни мулкдорнинг рухсатсиз ишлатиш;

мулк ва мулкнинг ҳуқуқлардан суд қарорисиз маҳрум этиш ёки мулкдорга улардан воз кечишга қаратилган ҳар қандай жисмоний, рухий ёки бошқа шаклдаги мажбурлов чоралар қўллаш, таъиб ўтказиш ёхуд мол-мулкни тасарруф этишга доир асоссиз талабларни қўйиш;

в) қилмишнинг жинийлигини истисно қиладиган ҳолатларни, шу жумладан унинг зарурий мудофаа турини, бунда:

мулкдор ёки унинг вакили ўз мулкни ҳар қандай тажовуздан ҳуқуқни бузишга мутаносиб равишда ва ҳуқуқ бузилишининг олдини олиш учун зарур ҳаракатлар доирасида, шу жумладан зарурий мудофаа ҳолатида ўзи ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга бўлади;

кўчар мулк ўзбошимчалик билан олиб қўйилганда мулкдор таъқиб қилиш орқали уни қайтариб олиши, кўчмас мулкка нисбатан эса унга ўзбошимчалик билан кирган ёки эгаллаб олган шахсни чиқариб юбориш орқали эгалигини тиклаши мумкин бўлади;

мулкни ўзбошимчалик билан эгаллаш ёки унга кириш ёхуд мулк дахл-

сизлигини бошқача тарзда бузиш қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш учун асос бўлади;

г) гумон қилинувчи, айбланувчининг мулкӣ ҳуқуқларига нисбатан «Хабеас корпус» институтини, бунда, суриштирувчи ва терговчининг мол-мулкни хатлаш билан боғлиқ қарорларини кўриб чиқиш учун судга киритиш назарда тутилади;

д) давлат органлари, жисмоний ва юридик шахсларнинг судга мурожаат қилиш ҳуқуқларини давлат божи орқали тартибга солиш тизимини, бунда:

давлат органлари ва ташкилотлари судларда давлат божини тўлашдан озод қилинган ҳолатларни қисқартириб, уларнинг жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкӣ ҳуқуқларини чеклаш, маҳрум қилиш ёки бошқа ҳар қандай кўринишда таъсир қилишга қаратилган даъволари, аризалари ва шикоятлари учун умумий асосларда давлат божи тўланиши, давлат божини тўлаш бўйича маблағлар бюджет ташкилотларининг харажатлар сметаларига киритилиши, ушбу маблағлардан оқилона ва асосли фойдаланилаётганлигини назорат қилиш назарда тутилади;

фуқаролик судларида мол-мулкни ўзганинг ноқонуний эгалигидан талаб қилиб олиш тўғрисидаги даъволар юзасидан даъвогарлар (давлат органлари ва ташкилотлари бундан мустасно) давлат божини тўлашдан озод қилинади, бунда даъвогарнинг даъво талабларини қаноатлантириш тўлиқ ёки қисман рад этилган тақдирда, ундан талабларнинг қаноатлантирилиши рад этилган миқдорига мутаносиб равишда давлат божи ундириш назарда тутилади;

иктисодий судларда мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқи тўғрисидаги даъволар юзасидан регрессив (даъво қиймати ошишига қараб давлат божи ставкаси пропорционал равишда тушиб боради) давлат божи ставкаларини қўллаш жорий этилади.

7. Адлия вазирлиги Бош прокуратура, Олий суд, Ички ишлар вазирлиги, Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ҳамда Савдо-саноат палатаси билан биргаликда уч ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига қуйидаги қонун лойиҳаларини киритсин:

«Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг янги таҳрирдаги лойиҳасини, лойиҳада ушбу қонун қабул қилиниши муносабати билан Фуқаролик, Солиқ, Жиноят, Жиноят-процессуал, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекслар ва бошқа қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутсин;

тадбиркорлик субъектларининг банкдаги ҳисобварақларидан пул маблағларини асоссиз ҳисобдан чиқарганлик, ортиқча ундирилган ва тўланган пул маблағларини тадбиркорлик субъектининг биринчи талабига биноан қайтармаганлик учун жавобгарлик белгилашни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини.

8. Давлат активларини бошқариш агентлиги, Адлия вазирлиги ва Молия вазирлиги уч ой муддатда давлат мулки объектларини республика мулки ва муниципал мулк объектларига ажратиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат-



лар лойиҳалари тўпламини Вазирлар Маҳкамасига киритсин, бунда қуйидагилар назарда тутилсин:

республика мулки, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар муниципал мулки, туман (шаҳар) муниципал мулки объектларининг намунавий рўйхати;

республика мулки объектларини бошқаришда Вазирлар Маҳкамаси, Давлат активларини бошқариш агентлиги, бошқа давлат органлари ва давлат мулкидан фойдаланувчиларнинг вазифаларини аниқ чегаралаш;

республика мулки, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар муниципал мулки, туман (шаҳар) муниципал мулки объектларини бошқариш бўйича ваколатли тузилмаларни, уларнинг вазифаларини белгилаш;

2025 йилга қадар босқичма-босқич республика мулки объектларини республика бюджетидан, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) муниципал мулки объектларини тегишлича Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджети ва тегишли маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан сақлаш тизимига ўтиш.

9. Вазирлик ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа давлат ташкилотлари 2022 йил якунига қадар ўзлари ҳамда тизим ташкилотлари бошқарувидаги давлат кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг кадастр органларида қонунчиликда белгиланган тартибда тўлиқ давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

Белгилансинки, 2023 йил 1 январдан бошлаб тегишли ҳуқуқлари кадастр органларида давлат рўйхатидан ўтказилмаган давлат кўчмас мулк объектлари Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан расмийлаштирилдиган далолатнома асосида унинг тегишли ҳудудий бошқармасига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида беғараз ўтказилади.

10. Мулк ҳуқуқининг дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилиш, мулкий муносабатларга асосиз аралашувга йўл қўймаслик, хусусий мулкнинг капиталлашув даражасини ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

11. Адлия вазирлигига Халқаро мулк ҳуқуқлари индексида (IPRI) Ўзбекистон Республикасининг ўрнини тизимли таҳлил қилиб бориш ва уни яхшилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш вазифаси юклатилсин.

12. Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонунчиликка мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

13. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров ва адлия вазири Р.К. Давлетов белгилансин.

Фармон ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан 2023 йил

\* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

1 январга қадар, кейинчалик ҳар ярим йилда Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот бериб борилсин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 24 август,  
ПФ–198-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ**  
**ҚАРОРИ**

**306 2022-2023 йилларда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ–60-сон Фармонига мувофиқ, шунингдек, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини янги босқичга олиб чиқиш бўйича устувор вазифаларни амалга ошириш мақсадида:

1. Қуйидагилар ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини 2022-2023 йилларда янада ривожлантиришнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

а) 2022 йил якунига қадар:

аҳоли яшаш масканларини кенг полосали мобил алоқа тармоғи билан қамраб олиш даражасини 98 фоизга, халқаро аҳамиятга эга автомобиль йўллари бўйлаб юқори тезликдаги мобил интернет қамровини 60 фоизга етказиш;

40 минг км оптик толали алоқа линияларини қуриш ҳамда қўшимча 800 минг хонадонни юқори тезликдаги интернетга улаш имкониятини яратиш орқали оптик толали алоқа қамровини 80 фоизга етказиш;

электрон давлат хизматлари кўрсатилишига хусусий секторни жалб қилиш орқали фойдаланувчилар сонини 2 баробар ошириб, 4 миллионга етказиш;

худудларда ёшларнинг зарур кўникмаларга эга бўлишига ва уларни кафолатланган буюртмалар билан таъминлашга хизмат қиладиган марказларни яратиш орқали ИТ-хизматлар экспорти ҳажмини 100 млн долларга етказиш;

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 23 августда эълон қилинган.

б) 2023 йил якунига қадар:

рақамли технологиялар соҳасида масофавий таълим шаклида кадрлар тайёрлаш фаолиятини ривожлантириш орқали йилига 6,5 минг нафардан ортиқ ёшларнинг ахборот технологиялари йўналишида таълим олишини йўлга қўйиш;

давлат органлари, шу жумладан маҳаллий ҳокимлик органларида ҳамда иқтисодиётнинг реал сектори тармоқларидаги корхоналарда 214 та ахборот тизими ва дастурий маҳсулотларни жорий этиш.

2. 2022-2023 йиллар учун қўйидагилар:

ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини янада такомиллаштириш бўйича «йўл харитаси» 1-иловага\* мувофиқ;

давлат бошқарувини рақамлаштириш бўйича устувор лойиҳалар рўйхати 2-иловага\* мувофиқ;

иқтисодиётнинг реал сектори тармоқларини рақамлаштириш бўйича устувор лойиҳалар рўйхати 3-иловага\* мувофиқ;

айрим давлат ва хўжалик бошқаруви органларини идоравий рақамли трансформация қилиш жараёнларини комплекс жадаллаштириш бўйича «йўл хариталари» 3а — 3е-иловаларга\* мувофиқ;

худудларни рақамли трансформация қилиш бўйича устувор лойиҳалар рўйхати 4 — 17-иловаларга\* мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 20-, 24<sup>1</sup>-, 30- ва 69-моддаларига асосан:

икки ой муддатда, кейинчалик ҳар чорак якунида мобил алоқа операторларининг таклифларига мувофиқ антенна-мачталарни ўрнатиш учун мақсадли зарур ер участкалари (манзили, координаталари ва майдони) рўйхатини шакллантирсин;

рўйхатга киритилган, қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган бўш ер участкаларини ўзига доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратиш учун ушбу рўйхатни Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоят ҳокимликларига тақдим этсин;

антенна-мачталарни ўрнатиш учун ўзига доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини очиқ танлов асосида мобил алоқа операторларига ижарага берсин. Бунда айни бир ер участкаси ёки антенна-мачталардан биргаликда фойдаланиш бўйича тажрибани оммалаштиришга алоҳида устуворлик берилади;

рўйхатга киритилган, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар тоифасига кирган ёки бошқа ер эгалари, фойдаланувчилари, ижарачиларига ажратилган ер участкаларида антенна-мачталарни ўрнатиш ва улардан фойдаланиш учун туман (шаҳар) ҳокимликлари ёки ер эгалари, фойдаланувчилари, ижарачилари ҳамда алоқа операторлари ўртасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 12 апрелдаги ПҚ–204-сон қарорида белгиланган тартибда ўзганинг ер участкасидан чекланган тарзда фойдаланиш ҳуқуқи (сервитут) белгиланишини таъминласин.

\* 1 — 17-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

4. Белгилансинки, 2022 йил 1 октябрдан бошлаб оператор ва провайдерларга телекоммуникация объектларида техник воситаларни ўрнатиш учун лойиҳа-смета ҳужжатлари экспертизага топширилган санадан бошлаб қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишга рухсат берилади, бунда лойиҳа-смета ҳужжатлари 15 кунлик муддатда экспертизадан ўтказилади.

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳамда Санитария-эпидемиология хизмати мобил алоқа тармоқлари радиоэлектрон воситаларидан фойдаланишни бошлаш учун ёнғин назорати хизмати хулосаси ҳамда санитария паспорти Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда — Ягона портал) орқали икки ҳафтадан ошмаган муддатда расмийлаштирилишини таъминласин.

Адлия вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳамда Санитария-эпидемиология хизмати манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда ёнғин назорати хизмати хулосасини ва санитария паспортини расмийлаштириш тартибини танқидий қайта кўриб чиқсин ҳамда уни содалаштириш, шу жумладан мавжуд тартиб-таомилларни мақбуллаштириш орқали муддатларни қисқартириш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

5. 2022 йил 1 сентябрдан бошлаб республиканинг барча ҳудудларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш орқали масофавий хизматларни экспорт қилиш марказлари босқичма-босқич ташкил этилсин ва қуйидагилар уларнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

аутсорсинг хизматларини кўрсатишга ўқитиш орқали дастурий маҳсулотлар ва IT-хизматларни экспорт қилишга қизиқишни ошириш;

республика бўйлаб фаолият юритаётган аутсорсинг хизматлари кўрсатувчи ташкилотлар учун мутахассислар тайёрлаш;

аутсорсинг хизматларини кўрсатиш кўникмаларига эга бўлганлар ҳамда масофавий хизматлар экспорти марказларида ташкил этиладиган ўқув курслари битирувчилари учун буюртмалар топишда кўмаклашиш.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда масофавий хизматлар экспорти марказларини Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки (кейинги ўринларда — IT-Парк) талабларига мос таъмирланган ва узлуксиз электр энергияси билан таъминланган замонавий биноларга жойлаштирсин.

Ёшлар ишлари агентлиги масофавий хизматлар экспорти марказларини замонавий компьютер жиҳозлари билан таъминласин.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги масофавий хизматлар экспорти марказларига мунтазам равишда чет эл бозорларидан буюртмаларни жалб қилиш ва ёшларни иш билан таъминлаш чораларини кўриб борсин.

6. Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига электрон давлат хизматларидан фойдаланиш бўйича янада қулайликлар яратиш мақсадида 2022 йил 1 ноябрдан:

мобил алоқа операторлари, тижорат банклари ҳамда тўлов тизимлари операторларига ахборот хавфсизлиги талабларига риоя этган ҳолда, ўзларининг мобил иловалари орқали Ягона порталдаги электрон давлат хизматларини кўрсатишга;

идентификацияловчи ID-картага жойлаштирилган электрон рақамли имзо калитлари орқали Ягона порталнинг мобил иловасида жорий этилган электрон давлат хизматларидан фойдаланишга рухсат берилсин.

Бунда электрон давлат хизматларидан фойдаланувчилар «Электрон ҳукумат» тизимининг ягона идентификациялаш ахборот тизими орқали идентификация қилинади.

7. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва Ёшлар ишлари агентлигининг 2023 йилдан бошлаб ҳар йили ёшларнинг ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги стартап лойиҳаларини янада қўллаб-қувватлаш мақсадида Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан умумий мукофот жамғармаси 1 миллион АҚШ доллари бўлган Президент соврини учун танловни ўтказиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Ёшлар ишлари агентлиги билан биргаликда икки ой муддатда мазкур танловни ташкил қилиш ва ўтказиш тартибини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. 2022 йил 1 октябрдан бошлаб ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида IT-таълим хизматларини кўрсатиш, дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқиш ҳамда экспортга йўналтириш бўйича стартап лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш учун Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан ўтказиладиган танлов асосида 1 миллиард сўмгача бўлган грантлар ажратиш тартиби жорий қилинсин.

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги мазкур бандда назарда тутилган тадбирлар учун Ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан дастлабки босқичда 60 миллиард сўм маблағ йўналтирсин.

9. 2023 йил 1 январдан бошлаб 18-иловада\* кўрсатилган давлат органларининг расмий веб-сайтлари ва порталларини «Ягона дарча» тамойили асосида ўз ичига олувчи Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати портали ягона платформаси ишга туширилсин.

10. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги 2023 йил 1 январга қадар ягона электрон ҳужжат айланиш тизими, хабарлар алмашиш мессенжери, йиғилиш ва тадбирлар календари, ҳимояланган электрон почта ва видеоконференциялар ўтказиш имкониятларини ўз ичига олган давлат органлари ва ташкилотлари ходимларининг автоматлаштирилган иш жойи — «Digital office» электрон тизими (кейинги ўринларда — «Digital office» тизими) ишлаб чиқилишини ва биринчи босқичда, синов тариқасида вазирлик тизимида, кейинчалик барча давлат органларида жорий этилишини таъминласин. Бунда:

\* 18-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

«Электрон ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази» давлат муассасаси «Digital office» тизимининг оператори ҳамда уни техник жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, узлуксиз ишлаши ва ахборот хавфсизлигини таъминлашга масъул этиб белгиланади;

«Digital office» тизими 19-иловада\* кўрсатилган давлат органлари ва ташкилотларнинг тегишли ахборот тизимларидан фойдаланишнинг ягона нуқтаси сифатида ташкил этилади.

11. Белгилансинки, 2022 йил 1 октябрдан бошлаб давлат ахборот тизимлари ва ресурсларининг маълумотлари:

идоралараро ҳамкорлик мақсадларида фойдаланиш учун — «Электрон ҳукумат» тизимининг Идоралараро интеграциялашув платформаси орқали беғараз асосда;

тижорат мақсадларида фойдаланиш учун — «Электрон ҳукумат» тизимининг Рақамли маълумотлар платформаси орқали тўлов асосида тақдим этилади.

Давлат органлари ва ташкилотларининг давлат ахборот тизимлари ва ресурслари маълумотларини давлат органи ва ташкилоти бўлмаган учинчи шахсларнинг ахборот тизимларига тўғридан-тўғри интеграция қилиш орқали тақдим этиши тақиқлансин.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги бир ой муддатда Идоралараро интеграциялашув платформаси ва Рақамли маълумотлар платформасига уланиш тартибини Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин.

12. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) 2022 йил 1 октябрдан бошлаб давлат ахборот тизимлари ва ресурслари «Электрон ҳукумат» тизимининг маълумотларни қайта ишлаш марказига «Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегиясини амалга ошириш бўйича мувофиқлаштириш комиссияси томонидан тасдиқланган рўйхатга мувофиқ босқичма-босқич жойлаштирилади, сақланади ва қайта ишланади;

б) 2023 йил 1 январдан бошлаб:

давлат ахборот тизимлари ва ресурслари маълумотларини сақлаш ва қайта ишлаш учун сервер қурилмалари ва ускуналарини харид қилиш — Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги;

ахборот тизимларига ҳужумлар ҳамда таҳдидларни аниқлаш ва уларнинг олдини олиш бўйича автоматлаштирилган интеллектуал тизимларни, шунингдек, алоқа техник каналлари орқали махфий ахборот тарқалишидан ҳимоя қиладиган техник воситалар ҳамда дастурий маҳсулотларни харид қилиш, ишлаб чиқиш ва жорий қилиш — киберхавфсизликни таъминлаш соҳасидаги ваколатли орган билан келишилган ҳолда амалга оширилади;

в) Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ахборот технологиялари, телекоммуникация ва почта алоқаси соҳасидаги тижорат ташкилотларида давлат номидан акциядор (таъсисчи, иштирокчи) ваколатларини амалга оширади.

13. Белгилансинки, 2023 йил 1 январдан бошлаб барча вазирлик ва идо-

---

\* 19-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, устав капиталида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик жамиятларининг (кейинги ўринларда — давлат органлари ва ташкилотлари) ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги лойиҳалари мониторинги — «NIS.UZ» идоралараро автоматлаштирилган ахборот тизими орқали амалга оширилади, улар бўйича ўзлаштирилган маблағлар ҳисоби — Давлат статистика қўмитасининг статистик ҳисоботларида юритилади.

Бунда давлат органлари ва ташкилотлари ҳар ойда ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 5-санасига қадар лойиҳаларнинг ижро ҳолати ва улар доирасида ўзлаштирилган маблағлар тўғрисида маълумотларни уларни тасдиқловчи бирламчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда «NIS.UZ» идоралараро автоматлаштирилган ахборот тизимида акс эттириб борилишини таъминлайди.

14. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 июндаги «Республикада ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5099-сон Фармони 5-бандининг иккинчи хатбошисида назарда тутилган қўшилган қиймат солиғи бўйича имтиёзлар республика норезидентларидан ахборот технологияларига оид хизматларни сотиб олганда ҳам татбиқ этилади.

15. 2022 йил 1 октябрдан бошлаб 20-иловада\* кўрсатилган 7 та ижтимоий-иқтисодий соҳада босқичма-босқич мажбурий тартибда сунъий йўлдош аппаратлари орқали давлат космик мониторингини амалга ошириш тизими йўлга қўйилсин.

«Ўзбеккосмос» агентлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги уч ой муддатда давлат космик мониторингини амалга ошириш тартибини белгиловчи Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

16. Қуйидагилар:

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги марказий аппарати тузилмасида бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони доирасида рақамли таълимни ривожлантириш масалалари бўйича вазир ўринбосари лавозими;

2022 йил 1 октябрдан бошлаб туман (шаҳар) ҳокимликлари тузилмасига ходимларнинг умумий чекланган сони доирасида рақамли иқтисодиётни жорий этиш бўйича лойиҳалар менежери лавозими киритилсин.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига рақамли иқтисодиётни жорий этиш бўйича лойиҳалар менежерига Жамғарма ҳисобидан иш ҳақига 100 фоизгача қўшимча устама ҳақ тўлаш ҳуқуқи берилсин.

17. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига қуйидаги ваколатлар берилсин:

рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукумат соҳасини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатларида, шу жумладан мавжуд ахборот тизимлари ва дастурий-аппарат комплексларидан фойдаланиш (ёки самарасиз қўллаш) борасида

\* 20-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

аниқланган қонун бузилишлари, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш ҳақида барча давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларига кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш;

давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарининг рақамлаштириш бўйича ўринбосарининг (Chief Digital Officer) ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида лойиҳаларни амалга ошириш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда уларнинг ишини ҳар чоракда аниқ натижаларга қараб баҳолаб бориш.

18. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Давлат активларини бошқариш агентлигининг:

2023 йил 1 июлга қадар телекоммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантиришни давом эттириш мақсадида «Ўзбектелеком» АК устав фонднинг 10 фоизи миқдоригача қўшимча оддий акцияларни оммавий жойлаштириш (IPO);

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги тизимидаги корхона ва ташкилотларнинг 2021 — 2025 йиллар якуни бўйича давлат улушига ҳисобланган дивидендларини мазкур корхона ва ташкилотлар ихтиёрида қолдириш ва ушбу маблағларни ахборот-коммуникация технологиялари соҳасига оид лойиҳаларни молиялаштиришга мақсадли йўналтириш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

19. Мазкур қарорнинг сифатли ва ўз вақтида бажарилишини мувофиқлаштириш ва мониторинг қилишнинг қўйидаги тартиби ўрнатилсин:

а) вазирлик ва идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарининг рақамлаштириш бўйича ўринбосарлари — ҳар ой ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 5-санасига қадар ушбу қарор билан тасдиқланган «йўл хариталари», лойиҳалар ҳамда идоравий рақамли трансформация дастурларида назарда тутилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши тўғрисидаги ҳисоботни «NIS.UZ» идоралараро автоматлаштирилган ахборот тизимига киритади;

б) ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Ш. Шерматов:

масъул вазирлик ва идоралар фаолиятида рақамли технологияларни жорий этиш ҳолатини баҳолайди ҳамда мунтазам равишда рақамлаштириш бўйича раҳбар ўринбосарларининг ҳисоботларини эшитишни ташкил этади;

ҳар ой ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 15-санасига қадар ушбу қарор билан тасдиқланган «йўл хариталари», дастурлар ҳамда идоравий рақамли трансформация дастурлари ижроси тўғрисида умумлашган таҳлилий маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирига киритади;

в) Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ҳар чоракда:

«Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегиясини амалга ошириш бўйича мувофиқлаштириш комиссияси йиғилишларида масъул вазирлик ва идоралар раҳбарларининг рақамлаштириш соҳасидаги фаолияти натижадорлигидан келиб чиқиб, уларни рағбатлантириш ёки интизомий, шу жумладан эгаллаб турган лавозимидан озод қилишгача бўлган чораларни кўради;



давлат ва хўжалик бошқаруви органларида ахборот хавфсизлиги соҳасида кўрилаётган чоралар ва мавжуд камчиликлар юзасидан ҳисоботларни Ўзбекистон Республикаси Президентига киритиб боради.

20. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 22 август,  
ПҚ–357-сон

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

#### **307** Давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва буталарни экиш, парвариш қилиш ва улардан фойдаланиш тартибини янада такомиллаштириш тўғрисида\*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республикада кўкаламзорлаштириш ишларини жадаллаштириш, дарахтлар муҳофазасини янада самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2021 йил 30 декабрдаги ПФ–46-сон Фармони ижросини таъминлаш, шунингдек, давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва буталарни экиш, парвариш қилиш ва улардан фойдаланиш тартибини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

а) Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида» 2021 йил 3 февралдаги ПФ–6155-сон Фармонига мувофиқ:

ҳар бир кесилган дарахт ва бута учун компенсация тарзида 10 туп қимматлиги жиҳатидан кесиладиган дарахт ва буталардан кам бўлмаган, йирик ўлчамли кўчат экиш ҳамда уларни камида икки йил давомида парвариш қилиш;

ноқонуний кесилган дарахт ва бута учун эса уч йил давомида парвариш-лаш шарти билан 100 туп кўчат экиш мажбурияти юклатилганлиги;

б) Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республикада кўкаламзорлаштириш ишларини жадаллаштириш, дарахтлар муҳофазасини янада самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2021 йил 30 декабрдаги ПФ–46-сон Фармонига мувофиқ:

бутун мамлакат миқёсида дарахтзорларни кўпайтиришга қаратилган «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси амалга оширилаётганлиги;

давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва буталар қимматбаҳо навларининг кесилишига мораторийнинг амал қилиши муддатсиз даврга узайтирилганлиги;

2022 йилнинг баҳор мавсумида «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида республика бўйича 127 миллиондан ортиқ дарахт ва бута кўчатлари экилганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 22 августда эълон қилинган.

давлат қўмитаси (кейинги ўринларда — Давлат экология қўмитаси) томонидан «Яшил макон» платформаси ишга туширилиб, экилган кўчатлар тўғрисидаги маълумотларнинг электрон базаси яратилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Белгилансинки:

дарахт ва буталарни компенсация тарзида экиш юридик ва жисмоний шахсларни дарахт ва буталарни кесишга рухсатнома берилганлиги учун қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ундириладиган йигимни ёки уларни қонунга хилоф равишда кесганлик, кундаков қилганлик, шикастлан-тирганлик, йўқ қилганлик ёки кўчириб ўтказганлик учун маъмурий жари-маларни тўлашдан озод қилмайди;

компенсациявий экиш жойлари, қоида тариқасида, ҳудудларда ташкил этилган «Яшил боғлар» ва «Яшил жамоат парклари», шунингдек, ободон-лаштириш ва кўкаламзорлаштириш учун мўлжалланган бошқа ҳудудлардан танланади.

3. Қуйидагиларни назарда тутувчи Давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва буталарни экиш, парвариш қилиш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

дарахтлар ва буталарни экиш учун жой танлаш, уларни экиш, суғориш, озиклантириш ва буташ;

зараркунанда ва касалликлар таъсирида зарарланган ёки касалликларга чалинган дарахтлар ва буталарга кимёвий ва биологик ишлов бериш;

дарахтлар ва буталарни хатловдан ўтказиш, бириктириш, кўчириб ўтказиш, кесиш ва компенсациявий экиш;

дарахтлар ва буталарни ноқонуний кесиш ва шикастлаш туфайли етказилган зарарни ундириш.

4. 2022 йил 31 декабрга қадар:

Давлат экология қўмитаси шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларида жойлашган қаровсиз қолган дарахтларни хатловдан ўтказсин, уларни бино ва иншоотларнинг мулкдорлари ёки фойдаланувчиларига туташ ҳудудлардан келиб чиққан ҳолда бириктириш бўйича таклифларни ишлаб чиқсин ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларига тақдим этиб борсин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Давлат экология қўмитасининг таклифлари асосида дарахтларни парвариш қилиш мақсадида уларни тегишли масъулларга бириктириш чораларини кўрсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси Давлат экология қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда 2022 йил 1 октябрга қадар «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида 2022 йил куз ва 2023 йил баҳор мавсумларида кўчат экиш ишларини тизимли ташкил этишни назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳар йили:

1 сентябрга қадар кузги ва 1 февралга қадар баҳорги кўчат экиш ҳажмлари бўйича манзилли дастурларни тасдиқласин;

туман ва шаҳар марказларида архитектура ва ландшафт-дизайн талаблари асосида шаҳарга кўрк берувчи манзарали дарахт ва бута кўчатлари экилишини ташкил этсин;

дарахт ва буталарнинг зараркунандалари ҳамда касалликларига қарши курашиш тадбирларига маҳаллий бюджетлар қўшимча манбаларининг 2 фоизигача миқдордаги маблағ ажратилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг 3-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж. Раматов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси Н.Н. Обломуратов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 22 август,  
464-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2022 йил 22 августдаги 464-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва  
буталарни экиш, парвариш қилиш ҳамда улардан  
фойдаланиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва буталарни экиш, парвариш қилиш ҳамда улардан фойдаланиш, шу жумладан, буташ, хатловдан ўтказиш, бириктириш, кўчириб ўтказиш, компенсациявий экиш билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низом талаблари:

жисмоний шахсларнинг шахсий томорқа ер участкаларида ўсадиган дарахтлар ва буталар ҳамда уларнинг кўчат ва ниҳолларига;

питомниклар ҳамда плантацияларда етиштириладиган дарахтлар ва буталарга, шунингдек, уларнинг кўчат ва ниҳолларига;

юридик ёки якка тартибдаги тадбиркорлик субъектларининг мулки бўлган ва улар томонидан ёғоч ҳамда ҳосил олиш мақсадида экилган дарахтлар ва буталар (терақлар ва бошқа тез ўсадиган дарахт турлари, тутзорлар, мевали дарахтлар ва буталар)га;

боғдорчилик ва узумчилик учун ажратилган ер участкаларидаги мевали дарахтлар ва буталарга нисбатан татбиқ этилмайди.

3. Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**бугаш** — дарахтлар ва буталарнинг шохларига керакли шакл бериш, асосий шохнинг баландлигини текислаш, скелет ҳосил қилувчи шохларнинг бир текисда жойлашишини таъминлаш мақсадида қуриётган, шикастланган, асосий шохга қараб ичкарига ёки бир-бирига жуда яқин ўсаётган шохларни бальзамик қисмигача кесиб олиб ташлаш;

**дарахтларни хатловдан ўтказиш** — дарахтларни муҳофаза қилиш мақсадида уларнинг сони, тури, ёши, танасининг диаметри, географик жойлашуви ва бошқа параметрлари бўйича ҳисобга олиш ҳамда дарахтлар реестрини юритиш;

**дарахтлар реестри** — дарахтларнинг сони, тури, ҳолати, ёши, танасининг диаметри, географик жойлашуви ва бошқа параметрларини ҳисобга олиш маълумотлар базаси;

**дарахтларни бириктириш** — аҳоли пунктларидаги бино ва иншоотларнинг мулкдорлари ёки улардан фойдаланувчиларни, шу жумладан, ижарага олувчи юридик шахсларни бино ва иншоотларга туташ ҳудудлардаги дарахт ва буталарни парвариш қилиш ва муҳофаза қилишга масъул этиб белгилаш мақсадида дарахтлар реестридан кўчирма бериш;

**кесиш** — дарахтлар ва буталар асосий танасининг таг қисмидан ёки ўсишдан тўхтатиш даражасигача юқори қисмидан кесиб (қирқиб) олиб ташлаш;

**кундаков қилиш** — дарахтлар ва буталарни илдизи билан қўпориб олиш;

**кўчириб ўтказиш** — дарахтлар ва буталарнинг илдиз тизимига шикаст етказмасдан, уларнинг яшовчанлигини сақлаб қолган ҳолда бошқа жойга экиш;

**компенсациявий экиш** — юридик ва жисмоний шахслар томонидан кесилган (йўқ қилинган) дарахтлар ва буталар ўрнига мажбурий равишда кўчатлар экиш;

**парвариш қилиш** — дарахтлар ва буталарни суғориш, озиклантириш, буташ, оқлаш, шунингдек, турли зараркунанда ва касалликлар таъсирида зарарланган дарахтлар ва буталарга кимёвий ва биологик ишлов бериш ёхуд бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида кимёвий ва биологик ишлов бериш чораларини кўриш;

**санитария мақсадида кесиш** — табиий омиллар ёки ўсимликлар зараркунандалари ва касалликлари таъсирида зарарланган, қуриётган, қуриб қолган ҳамда инсоннинг ҳаёти ва соғлиғи, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулки хавфсизлигига, турли коммуникацияларга таҳдид солаётган, шохлари бетартиб ўсиши натижасида қўшилиб кетган ёки синган, авария ҳолатидаги дарахтлар ва буталарни таг қисмидан кесиш (қирқиш);

**шикастлантириш** — дарахтлар ва буталар ичини ўйиш, уларнинг атрофига илдиз бўғзидан кўпи билан 20 см масофагача яқинликда қаттиқ қоплама (бетон, асфальт) ётқизиш, ёқиш, тақиқланган (муддати ўтган) кимёвий ва биологик воситалар билан ишлов бериш ёки кимёвий ва биологик воситаларни нотўғри қўллаш, шунингдек, ўсишдан тўхташ ва қуриб қолиш даражасигача зарар етказувчи ҳар қандай хатти-ҳаракатлар;

**«Яшил макон» платформаси** — ҳудудларнинг тупроқ-иқлим шароити, мавжуд дарахтлар сони, тури ва жойлашуви, шаҳарларнинг кўкаламзорлаштирилганлик даражаси, дарахтларни кесиш, шу жумладан, санитария мақсадида кесиш учун берилган рухсатномалар, аниқланган қонун бузилиши ҳолатлари ва улар бўйича кўрилган чоралар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган электрон маълумотлар базаси.

4. Қуйидагилар давлат ўрмон фондига кирмайди:

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардаги экинзорларнинг ихота дарахтзорлари, шунингдек, бошқа дарахтзор ва бутазорлар;

темир йўлларнинг, автомобиль йўлларининг, табиий ва сунъий сув оқимларининг, сув ҳавзаларининг ҳамда бошқа сув объектларининг ажратилган минтақаларидаги ихота дарахтзорлар;

шаҳарлардаги ҳамда бошқа аҳоли пунктларидаги дарахтзор ва бутазорлар, шунингдек, кўкаламзорлаштириш учун экилган ўсимликлар;

томорқалардаги ва боғ участкаларидаги дарахтзор ва бутазорлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» 2019 йил 30 октябрдаги ПФ–5863-сон Фармони билан жорий этилган мораторий даврида давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва буталар қимматбаҳо навларининг кесилишига йўл қўйилмайди.

## **2-боб. Давлат ўрмон фондига кирмайдиган ерларда дарахтлар ва буталарни экиш ҳамда парвариш қилиш**

6. Дарахтлар ва буталарни экиш уларнинг турларига, иқлим шароитига мослашувчанлигига, ер ости сувлари яқинлиги, ернинг шўрланиш даражаси, суғориш тизими мавжудлигига ҳамда уларнинг функционал вазифаларига кўра амалга оширилади.

Бунда экиш учун жой танлашда дарахтлар ва буталарнинг биоэкологик хусусиятлари, тупроқнинг унумдорлиги, қурғоқчиликка чидамлилиги, шунингдек, қуёшли ва соя жойларга мослашувчанлиги эътиборга олиниши лозим.

Янги қуриладиган, баландлиги ер юзасидан 12 метрдан ва (ёки) умумий майдони 500 квадрат метрдан ортиқ бўлган бино ва иншоотларни лойиҳалаштиришда уларга туташ ҳудудларнинг кўкаламзорлаштириш (дарахтлар, буталар, бошқа ўсимликлар ва ниҳолларни экиш) майдонлари лойиҳа учун ажратиладиган ер участкалари умумий майдонининг 25 фоизидан кам бўлишига йўл қўйилмайди (эксплуатация муддатини ўтаб бўлган ҳамда маънан эскирган бино ва иншоотларни реновация қилиш бундан мустасно).

Давлат ўрмон фондига кирмайдиган ерларда дарахтлар ва буталарни

экиш ҳамда парвариш қилиш ушбу Низомга 1-иловада\* келтирилган схема асосида амалга оширилади.

7. Дарахтлар ва буталарни экиш учун жой танлаш ҳамда уларни экиш: аҳоли пунктларида — маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва кўп квартиралли уйларни бошқариш органлари;

ташкilotларга тегишли ҳудудларда — ер эгалари;

маҳаллий давлат ҳокимияти органларига бириктирилган йўл ва кўчалар бўйларида — маҳаллий давлат ҳокимияти органлари;

умумий фойдаланишдаги темир йўллар ва умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларининг бўйларида — «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ ва Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси (кейинги ўринларда — Автомобиль йўллари қўмитаси) ташкilotлари;

табiiй ва сунъий сув оқимлари, сув ҳавзалари ҳамда бошқа сув объектларининг ажратилган минтақаларида — маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан келишган ҳолда сув хўжалиги органлари;

фермер хўжалиги ерларида ҳамда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган бошқа ерларда — ер эгалари;

захира ерларда — маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилади.

8. Экиш ишлари баҳор ва куз ойларида об-ҳаво шароити, дарахтлар ва буталарнинг тутувчанлиги, шунингдек, ҳар бир дарахт ва бутанинг турларига мос келадиган экишнинг агротехника қоидаларига риоя этган ҳолда олиб борилади. Йилнинг бошқа фаслларида ҳам эҳтиёждан келиб чиқиб дарахтлар ва буталарни экиш мумкин.

Туманлар (шаҳарлар) марказий кўчаларини кўкаламзорлаштириш учун экиладиган дарахт ва бута кўчатларининг кўкарувчанлигини таъминлаш мақсадида ёши 5 йилдан кам бўлган кўчатларни ҳамда суғориш тизими мавжуд бўлмаган ерларга кўчатларни экиш тақиқланади.

Дарахтлар ва буталарни кўчириб ўтказиш бинолар, иншоотлар ва коммуникацияларни қуриш ҳамда реконструкция қилиш билан боғлиқ ҳолда баҳор ва куз ойларида, заруратдан келиб чиқиб дарахтларни кўчирадиган махсус техника мавжуд бўлганида йил давомида амалга оширилиши мумкин.

9. Дарахтлар ва буталарни суғориш ва озиқлантириш:

шаҳарлар ва туманлар марказларидаги кўчаларда-бириктирилганлигига мувофиқ маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек, ўзлари фаолият кўрсатаётган бинодан кўчагача бўлган ораликда ташкilotлар;

шаҳарлар ва туманлар марказларидаги ички кўчалар, маҳаллалар ҳудудлари ҳамда кўп квартиралли уйлар оралиғи ва атрофида, шунингдек, бошқа аҳоли пунктларида — ўзларига бириктирилган ҳудудлар бўйича фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, кўп квартиралли уйларни бошқариш органлари, ўзлари фаолият кўрсатаётган бинодан кўчагача бўлган ораликда ташкilotлар;

\* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ташкilotларнинг ҳудудларида — ер эгалари;  
умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари бўйларида — Автомобиль йўллари қўмитаси ташкilotлари;

умумий фойдаланишдаги темир йўллар бўйларида — «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ ташкilotлари;

дарё, сой, ирмоқ, канал, коллектор-дренаж тармоқлари ва ариқлар бўйларида — маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва сув хўжалиги органлари;

фермер хўжаликлари ерларида ва қишлоқ хўжалигига мўлжалланган бошқа ерларда — мазкур ер эгалари;

захира ерларда — маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилади.

10. Дарахтлар ва буталарни буташ:

шаҳарлар ва туманлар марказларидаги кўчаларда ҳамда захира ерларда — бириктирилганлигига мувофиқ маҳаллий давлат ҳокимияти органлари;

бошқа аҳоли пунктларида — маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва кўп квартираларни бошқариш органлари;

ташкilotларнинг ҳудудларида — ер эгалари;

умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари бўйларида — Автомобиль йўллари қўмитаси ташкilotлари;

умумий фойдаланишдаги темир йўллар бўйларида — «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ ташкilotлари;

дарё, сой, ирмоқ, канал, коллектор-дренаж тармоқлари ва ариқлар бўйларида — маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва сув хўжалиги органлари;

фермер хўжалиги ерларида ва қишлоқ хўжалигига мўлжалланган бошқа ерларда — ер эгалари томонидан амалга оширилади.

Буташдан ҳосил бўладиган шох-шаббаларни олиб чиқиб кетиш ушбу ишларни бажарган ташкilotлар томонидан амалга оширилади.

11. Турли зараркунанда ва касалликлар таъсирида зарарланган ёки касалликларга чалинган дарахтлар ва буталарга кимёвий ва биологик ишлов бериш:

шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларида ҳамда захира ерларда — маҳаллий давлат ҳокимияти органлари;

қолган ҳудудларда эса ушбу Низомнинг 9-бандида назарда тутилган ташкilotлар томонидан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда амалга оширилади.

12. Ер участкаларининг мулкдорлари, ер эгалари, фойдаланувчилари, ижарачилари, шунингдек, ушбу Низомнинг 9-бандида кўрсатилган ташкilotлар ўзларига тегишли ёки бириктирилган ҳудудлардаги дарахт ва буталарни парвариш қилиш ва уларнинг муҳофазасини таъминлашлари шарт.

### **3-боб. Давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтларни хатловдан ўтказиш**

13. Дарахтларни хатловдан ўтказиш статистик ҳисоботларни тузишда фойдаланиш учун маълумотлар олиш, кўкаламзорлаштиришни ривожланти-



риш, янги объектларни қуриш ва мавжуд объектларда реконструкция ишларини режалаштириш, шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларида ландшафт-архитектура объектларини қайта тиклаш, реконструкция қилиш ва фойдаланиш, уларнинг сақланиши ва ҳолати учун жавобгар шахсларни аниқлаш мақсадида ўтказилади.

14. Хатлов натижасида дарахтларнинг сони, тури, ҳолати, ёши, географик жойлашуви ва бошқа параметрлари ҳисобга олиниб, уларнинг реестрлари шакллантирилади.

15. Хатлов ҳар йили ушбу Низомга 2-иловада\* келтирилган схема асосида ўтказилади. Бунда янги экилган дарахтларни бириктириш бўйича қўшимча хатловлар амалга оширилиши мумкин.

16. Хатловни ўтказиш учун ҳар бир ҳудудда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари қабул қилинади. Ушбу қарорларда дарахтлар хатловини ўтказиш бўйича ишчи гуруҳ (кейинги ўринларда — ишчи гуруҳ) таркиби, хатловни ўтказиш вақти ва натижаларини тақдим этиш муддатлари белгиланади. Бунда Давлат экология қўмитасининг ҳудудий бўлинмалари ишчи гуруҳларнинг ишчи органи ҳисобланади.

Ишчи гуруҳ маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва Давлат экология қўмитасининг ҳудудий бўлинмалари ҳамда ўзларига тегишли ёки бириктирилган ҳудудларда тегишли ташкилотлар вакилларида иборат таркибда шакллантирилади.

17. Ишчи гуруҳ томонидан шаҳарлар, туманлар ва бошқа аҳоли пунктлари, темир йўл ва автомобиль йўллари ҳамда табиий ва сунъий сув ҳавзаларининг хариталари ёки схемалари асосида хатлов ўтказиладиган участкалар ва уларга масъуллар белгиланади.

18. Ишчи гуруҳнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

жойларга чиққан ҳолда дарахтларни хатловдан ўтказиш, ҳисобга олиш ва қайд этиш;

дарахтлар реестрини шакллантириш ва Давлат экология қўмитасига мумлаштириш учун тақдим этиш;

давлат органлари ва ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва кўп квартирали уйлар мулкдорлари эгалигидаги бино ва иншоотларга туташ (чегарадош) бўлган ер участкаларини ҳамда бўш турган ёки шаҳарсозлик фаолияти натижасида шаклланган янги ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришга мўлжалланган ер участкаларини, шунингдек, уларда жойлашган дарахт ва буталарни аниқлаш, туташ ер участкалари чегараларини белгилаш, уларни ушбу Низомнинг 28-бандига мувофиқ ажратиб бериш бўйича (дарахтлар жойлашуви схемаси (харитаси) илова қилинган ҳолда) таклифлар ишлаб чиқиш ва киритиш.

19. Хатлов ишлари аҳоли яшаш пунктларида, темир йўл ва автомобиль йўллари, табиий ва сунъий сув ҳавзалари бўйларида, фермер хўжаликлари ерларида ва қишлоқ хўжалигига мўлжалланган бошқа ерларда, захира ерларда ҳамда ташкилотлар ҳудудларида олиб борилади.

20. Хатлов қуйидаги уч босқичда амалга оширилади:

---

\* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ишчи гуруҳ томонидан жойига чиққан ҳолда дарахтларни ҳисобга олиш ҳамда уларни журналда ёки рақамлаштириш йўли билан қайд этиш;

қайд этилган маълумотларни қайта ишлаш, умумлаштириш ва ушбу Низомга 3-иловада\* келтирилган Дарахтлар реестрига киритиш;

дарахтлар реестри маълумотларини «Яшил макон» платформасига киритиш.

21. Хатлов ишлари Давлат экология қўмитаси, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ҳамда Фанлар академияси томонидан ишлаб чиқилган дарахтларни хатловдан ўтказиш бўйича методик қўлланма асосида амалга оширилади.

22. Янги (жорий йилда) экилган дарахтлар сони ва тури тўғрисидаги маълумотлар барча давлат органлари ва ташкилотлари томонидан Давлат экология қўмитаси томонидан белгиланадиган шакл асосида ҳар чорақда, ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 10-кунига қадар Давлат экология қўмитасининг ҳудудий бўлинмаларига мажбурий тартибда тақдим этиб борилади ҳамда экилган дарахтлар қиймати, тури ва сонига қараб бухгалтерия қоидаларига биноан тегишлилигича балансга олинади.

23. Хатлов ўтказишда юз ёшдан ошган дарахтлар аниқланганда, уларни табиат ёдгорликлари сифатида муҳофазага олиш учун алоҳида реестр юритилади.

Ушбу дарахтларни табиат ёдгорлиги деб эълон қилиш «Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни талабларига мувофиқ амалга оширилади.

24. Табиат ёдгорлиги деб эълон қилинган дарахтларни ташқи таъсирлардан ҳимоя қилиш мақсадида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ер эгалари билан биргаликда ушбу дарахтларнинг атрофи танасидан бир метрдан кам бўлмаган масофада ва баландлиги бир метр йигирма сантиметр бўлган металл панжара билан ўралишини таъминлаши керак.

Шунингдек, ушбу дарахтлар тўғрисидаги давлат тили, рус ва инглиз тилларидаги (дарахтнинг номи, унинг ёши, реестр рақами, жойлашган манзили) маълумотни ўз ичига олган ёрлиқ металл панжарага осиб қўйилиши зарур.

25. Хатлов якунлари бўйича шакллантирилган дарахтлар реестри маълумотлари ишчи гуруҳ томонидан республикада ягона электрон маълумотлар базасини шакллантириш учун Давлат экология қўмитасига юборилади.

Давлат экология қўмитаси дарахтлар реестри маълумотларини умумлаштиради ва «Яшил макон» платформасига жойлаштиради.

26. «Яшил макон» платформаси:

янги экилган дарахтларни бириктириш бўйича ҳар йили ўтказиладиган қўшимча хатловлар;

кейинги хатлов натижалари;

давлат органлари ва ташкилотлари томонидан ҳар чорақда, ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 10-кунига қадар Давлат экология қўмитасининг ҳудудий бўлинмаларига мажбурий тартибда тақдим этиб бориладиган, янги экилган дарахтлар сони ва тури тўғрисидаги маълумотлар;

дарахтларни кесиш, шу жумладан, санитария мақсадида кесиш учун берилган рухсатномалар;

---

\* 3-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

дарахтларни қонунга хилоф равишда кесиш, кундаков қилиш, шикастлантириш, йўқ қилиш ва кўчириш бўйича аниқланган ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги маълумотлар асосида мунтазам равишда янгилаб борилади.

«Яшил макон» платформаси маълумотларидан келгусида қурилиш ва реконструкция ишларини амалга ошириш учун дарахтлар мавжуд участкаларда лойиҳалаштириш, давлат экологик экспертизасини ўтказиш ва бошқа ишларни олиб бориш мақсадида юридик ва жисмоний шахслар бепул фойдаланишлари мумкин.

#### **4-боб. Дарахтларни бириктириш**

27. Давлат экология қўмитасининг ҳудудий бўлинмалари дарахтларни бириктириш бўйича қуйидаги вазифаларни бажаради:

шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларида жойлашган ҳамда бўш турган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришга мўлжалланган ер участкалари хатловдан ўтказилишини ташкил этиш;

хатлов натижаларига мувофиқ тегишли ер участкаларини давлат органлари ва ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда кўп квартиралли уйлар мулкдорларига белгиланган талаблар асосида доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратиб бериш юзасидан таклиф ишлаб чиқиш ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларига тақдим этиш;

аҳоли пунктларидаги қаровсиз қолган дарахтларни хатловдан ўтказиш, уларни бино ва иншоотларнинг мулкдорлари ёки фойдаланувчиларига туташ ҳудудлардан келиб чиққан ҳолда бириктириш бўйича таклиф ишлаб чиқиш ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларига тақдим этиш.

Дарахтларни бириктириш бўйича таклифларга дарахт жойлашуви схемаси (харитаси), маҳаллий давлат ҳокимияти органининг дарахтларни бириктириш тўғрисида тегишли қарори лойиҳаси ҳамда фото материаллар илова қилинади.

Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг ҳудудий органлари, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан биргаликда аҳоли пунктларида қаровсиз қолган дарахтларни сақлаш ва парвариш қилиш, «Яшил боғлар» ва «Яшил жамоат парклари»ни кўкаламзорлаштириш, шу жумладан, улар ҳудудларида дарахтларни экиш, сақлаш ва парвариш қилиш ишларига «Темир дафтар», «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари»га киритилган ҳамда ишсиз шахслар мавжуд бўлганда ҳар бир маҳалладан камида биттадан фуқаро жалб қилиниши мумкин.

Ушбу фуқароларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Жамоат ишлари жамғармасининг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

28. Дарахтларни бириктириш:

а) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан:

бино ва иншоотларга туташ (чегарадош) бўлган ер участкаларини;

аҳоли пунктларида жойлашган ҳамда бўш турган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришга мўлжалланган ер участкаларини;

шаҳарсозлик фаолияти натижасида шаклланган янги ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришга мўлжалланган ер участкаларини тегишли давлат органлари ва ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва кўп квартиралли уйлар мулкдорларига доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан белгиланган тартибда ажратиб бериш;

б) мазкур банднинг «а» кичик бандида назарда тутилган ташкилотлардан бошқа юридик шахслар — аҳоли пунктидаги бинолар ва иншоотларнинг мулкдорлари ёки улардан фойдаланувчилар, шу жумладан, ижарага олувчиларга ер участкаларини ажратмаган ҳолда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг дарахтларни бириктириш тўғрисидаги тегишли қарорлари билан амалга оширилади. Бунда дарахтларни бириктириш юридик шахсларнинг розилиги асосида Давлат экология қўмитасининг ҳудудий бўлинмалари томонидан кенг тарғибот ва ташвиқот тадбирларини ташкил этиш доирасида амалга оширилади.

29. Ушбу Низомнинг 28-бандига асосан доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратиб берилган ер участкаларидаги мавжуд дарахтлар ёки юридик шахсларга ер участкаларини ажратмаган ҳолда бириктириб берилган дарахтлар бўйича Давлат экология қўмитасининг ҳудудий бўлинмалари томонидан тегишли давлат органлари ва ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, кўп квартиралли уйлар мулкдорлари ва бошқа юридик шахсларга дарахтлар реестридан электрон шаклда кўчирмалар берилади.

Дарахтлар реестридан кўчирма икки нусхада тузилади ва Давлат экология қўмитаси ҳудудий бўлинмасининг масъул ходими ҳамда дарахтлар реестридан кўчирмани қабул қилиб олувчи ташкилот раҳбари ёки унинг ишончли вакили томонидан имзоланади.

Дарахтлар реестридан кўчирманинг бир нусхаси Давлат экология қўмитасининг ҳудудий бўлинмасида, иккинчи нусхаси тегишли ташкилотда сақланади.

Дарахтлар реестридан кўчирма янги экилган, рухсатномалар асосида кесилган, қонунга хилоф равишда кесилган, қундаков қилинган, йўқ қилинган, шунингдек, кўчириб ўтказилган дарахтлар тўғрисидаги маълумотлар асосида янгилаб борилади.

Дарахтлар реестридан берилган кўчирма мазкур дарахтлар ва улар жойлашган ер участкаларига нисбатан ҳеч қандай ҳуқуқни келтириб чиқармайди.

30. Давлат экология қўмитасининг ҳудудий бўлинмаси зарур ҳолларда ушбу Низомнинг 28-бандига асосан доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратиб берилган ер участкаларидаги дарахтларни парвариш қилиш ҳамда суғориш юзасидан тегишли давлат органлари ва ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва кўп квартиралли уйлар мулкдорларига мажбурий кўрсатмалар киритади.

### **5-боб. Давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва буталарни кесиш, кўчириб ўтказиш ёки компенсациявий экиш тартиби**

31. Давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва буталарни кесишга

санитария мақсадларида, шунингдек, бинолар, иншоотлар ва коммуникацияларни қуриш ва реконструкция қилиш билан боғлиқ ҳолатларда йўл қўйилади, бундан ушбу Низомнинг 5-бандида назарда тутилган дарахтлар ва буталар қимматбаҳо навлари мустасно.

Дарахтлар ва буталарни кесиш тўлов асосида амалга оширилади, бундан санитария мақсадида кесиш ҳоллари мустасно.

32. Давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва буталарни кесиш учун рухсатнома бериш (олиш) Вазирлар Маҳкамасининг «Махсус электрон тизим орқали рухсат этиш хусусиятига эга айрим ҳужжатларни бериш тартиб-таомиллари тўғрисидаги ягона низомни тасдиқлаш ҳақида» 2022 йил 22 февралдаги 86-сон қарорида белгиланган тартибда амалга оширилади. Бунда:

а) Давлат экология қўмитасининг ҳудудий бўлинмалари юридик ва жисмоний шахслар томонидан рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олиш учун тақдим этилган аризани кўриб чиқиш муддати давомида:

ҳужжатларни текширади;

заруратга кўра бошқа давлат органларида мавжуд, қарор қабул қилиш учун зарур бўлган маълумотларни «Лицензия» АТ орқали мустақил равишда олади;

дарахтлар ва буталар ҳолатини жойига чиқиб ўрганади;

дарахтлар ва буталарни кесиш бўйича жамоатчилик эшитувини амалга оширади ва унинг хулосасини шакллантиради;

дарахтлар ва буталарни сақлаб қолиш имкониятларини, шу жумладан, кўчириб ўтказиш масаласини кўриб чиқади ҳамда кўчириб ўтказиладиган дарахтлар ва буталарнинг сони, тури, муддатлари ва кўчириш жойини аниқлайди;

сақлаб қолишнинг иложи бўлмаган тақдирда, кесилиши лозим бўлган дарахтлар ва буталар сонини белгилайди ҳамда компенсациявий экиладиган дарахтлар ва буталарнинг сони, тури ҳамда экиш муддати ва жойини аниқлайди.

б) юридик ва жисмоний шахсларга ҳар бир кесилган дарахт ва бута учун компенсация тарзида 10 туп қимматлиги жиҳатидан кесилган дарахт ва буталардан кам бўлмаган йирик ўлчамли (дарахт — 5 йиллик, бута — 3 йиллик) кўчатни экиш ҳамда уларни камида икки йил давомида парвариш қилиш бўйича қўшимча мажбурият юклатилади. Бунда дарахт ва буталарни кесиш учун рухсатнома берилганлиги учун қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ундириладиган йиғимни тўлаганлик юридик ва жисмоний шахсларни компенсациявий экиш ҳамда парвариш қилиш мажбуриятидан озод қилмайди.

Давлат экология қўмитасининг ҳудудий бўлинмалари мазкур банднинг «а» ва «б» кичик бандларида кўрсатилган ҳаракатларни амалга ошириш учун ўз ходимлари ёки бошқа экспертлар, шу жумладан, дарахтларнинг ҳолатини баҳолаш мақсадида дендрология бўйича мутахассисларни жалб қилган ҳолда ишчи гуруҳлар ташкил этиши мумкин.

33. Дарахтлар ва буталарни кўчириб ўтказиш ишлари Давлат экология

қўмитасининг ҳудудий бўлинмалари вакиллари иштирокида ер участкаларининг мулкдорлари, эгалари, фойдаланувчилари ёки ижарачилари томонидан амалга оширилади. Бунда:

тегишли юридик ва жисмоний шахслар Давлат экология қўмитасининг ҳудудий бўлинмалари, ер участкаларининг мулкдорлари, эгалари, фойдаланувчилари ёки ижарачиларига, шунингдек, бошқа манфаатдор шахсларга дарахтлар ва буталарни кўчириб ўтказишдан камида уч кун олдин унда иштирок этувчи вакиллар иштирокини таъминлаш юзасидан ёзма равишда хабар беради;

ёзма хабарномани олган манфаатдор шахслар дарахтлар ва буталарни кўчириб ўтказиш ишларида ўз вакиллари иштирокини таъминлайди;

кўчириб ўтказиш санаси, жойи (манзил ва жойининг контурлари) дарахтлар ва буталар сони, тури, кўчириб ўтказишнинг сабаби, ушбу жараёнда иштирок этган шахслар тўғрисидаги (Ф.И.О., ташкилот номи) маълумотлар кўрсатилган ҳамда фото материаллар илова қилинган ҳолда бир нусхада далолатнома тузилади ва иштирок этувчилар томонидан имзоланади.

Кўчириб ўтказиш далолатномасининг асл нусхаси Давлат экология қўмитасининг ҳудудий бўлинмаларида уч йилгача сақланади.

Дарахтлар ва буталарни кўчириб ўтказиш ишларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари, жамоатчилик экологик назоратининг инспекторлари ҳамда бошқа шахслар иштирок этиши мумкин.

34. Компенсациявий экиш жойлари, қоида тариқасида, ҳудудларда ташкил этилган «Яшил боғлар» ва «Яшил жамоат парклари», шунингдек, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш учун мўлжалланган бошқа ҳудудлардан танланади.

Компенсациявий экиш ишлари Давлат экология қўмитасининг ҳудудий бўлинмалари вакиллари, ер участкаларининг мулкдорлари, эгалари, фойдаланувчилари ёки ижарачилари иштирокида амалга оширилади. Бунда:

Давлат экология қўмитасининг ҳудудий бўлинмалари компенсациявий экиш учун масъул шахсларга, ер участкаларининг мулкдорлари, эгалари, фойдаланувчилари ёки ижарачиларига, шунингдек, бошқа манфаатдор шахсларга дарахтлар ва буталарни компенсациявий экишдан камида уч кун олдин унда иштирок этувчи вакиллар иштирокини таъминлаш юзасидан ёзма равишда хабар беради;

компенсациявий экиш учун масъул шахслар ва бошқа манфаатдор шахслар дарахтлар ва буталарни компенсациявий экиш ишларида ўз вакиллари иштирокини таъминлайди;

компенсациявий экиш санаси, жойи (манзил ва жойининг контурлари) дарахтлар ва буталар сони, тури, ёши, компенсациявий экиш сабаблари (асослари), компенсациявий экишда иштирок этган жисмоний ёки юридик шахслар тўғрисидаги (Ф.И.О., ташкилот номи) маълумотлар кўрсатилган ҳамда фото материаллар илова қилинган ҳолда бир нусхада далолатнома тузилади ва иштирок этувчилар томонидан имзоланади. Далолатномада масъул шахсларнинг компенсациявий экилган кўчатларни камида икки йил давомида парвариш қилиш мажбурияти қайд этилади.

Компенсациявий экиш далолатномасининг асл нусхаси Давлат экология кўмитасининг худудий бўлинмаларида уч йилгача сақланади.

Компенсациявий экиш ишларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари, жамоатчилик экологик назоратининг инспекторлари ҳамда бошқа шахслар иштирок этиши мумкин.

35. Санитария мақсадида дарахтлар ва буталарни кесиш:

қуриётган ёки қуриб қолган;

декоратив хусусиятини йўқотиш натижасида ховли, кўча ва бошқа жамоат жойларининг кўринишини бузиб турган;

касалликка чалинган;

касаллик тарқатувчи ҳайвонлар ва ҳашаротларнинг манбаига айланган; одамларнинг ҳаёти ва соғлиғига ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкига хавф солаётган ҳолатларда амалга оширилади.

36. Санитария мақсадида дарахтлар ва буталарни кесиш:

шаҳарлар ва туманлар марказидаги кўчаларда ҳамда захира ерларда — маҳаллий давлат ҳокимияти органлари;

маҳаллалар худудлари ҳамда кўп квартирали уйлар оралиғи ва атрофида, шу жумладан, кўчалар ва бошқа аҳоли пунктларида — фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, кўп квартирали уйларни бошқариш органлари, шунингдек, жисмоний шахсларнинг мурожаатига мувофиқ маҳаллий давлат ҳокимияти органлари;

ташкилотларнинг худудларида — ер эгалари;

умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари бўйларида — Автомобиль йўллари кўмитасининг ташкилотлари;

умумий фойдаланишдаги темир йўллар бўйларида — «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ ташкилотлари;

дарё, сой, ирмоқ, канал, зовур ва ариқлар бўйларида — тегишлилиги бўйича маҳаллий давлат ҳокимияти ва сув хўжалиги органлари;

фермер хўжаликлари ерларида ва қишлоқ хўжалигига мўлжалланган бошқа ерларда — ер эгалари томонидан амалга оширилади.

37. Кесиш, буташ ва кўчириб ўтказиш ишларида ҳосил бўлган чиқиндиларнинг (шоҳ-шабба, барглар ва бошқа кесиш ишлари қолдиқлари) олиб чиқиб кетилиши, шунингдек, бузилган ерларнинг қайта тикланиши ушбу ишларни амалга оширган масъуллар томонидан бир сутка давомида таъминланиши шарт.

**6-боб. Дарахтлар ва буталарни қонунга хилоф равишда кесганлик, кундаков қилганлик, шикастлантирганлик, йўқ қилганлик ёки кўчириб ўтказганлик учун жавобгарлик**

38. Дарахтлар ва буталарнинг ноқонуний кесилиши, кундаков қилиниши, шикастлантирилиши, йўқ қилиниши ёки кўчириб ўтказилишига йўл қўйилмайди.

Дарахтлар ва буталарни қонунга хилоф равишда кесганлик, кундаков

қилганлик, шикастлантирганлик, йўқ қилганлик ёки кўчириб ўтказганлик учун айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади ҳамда:

ушбу Низомга 4-иловада\* белгиланган миқдорларда зарар ҳисобланиб, тегишли тартибда ундирилади;

ноқонуний тайёрланган маҳсулотлар (ёғоч, ўтин ва бошқалар) ҳуқуқбузардан олиб қўйилади;

ҳуқуқбузарга ҳар бир кесилган дарахт ва бута учун 100 туп кўчатни компенсация тарзида экиш ҳамда уларни камида уч йил давомида парвариш қилиш мажбурияти юклатилади. Бунда Давлат экология қўмитасининг ҳудудий бўлинмалари мансабдор шахслари томонидан ҳуқуқбузарга компенсациявий экиш жойи ва муддатини белгилаган ҳолда мажбурий кўрсатма берилади. Компенсациявий экиш ишлари ушбу Низомнинг 34-бандида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Давлат экология қўмитасининг ҳудудий бўлинмалари мансабдор шахслари мажбурий кўрсатмаларини бажармаслик ҳуқуқбузарни белгиланган тартибда маъмурий жавобгарликка тортишга сабаб бўлади.

39. Мораторий талабларини бузган қурилиш-пудрат ташкилотларининг «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизимидаги даражаси (рейтинг баҳоси) бир поғона пасайтирилади. Бунда:

даражаси (рейтинг баҳоси) бир поғона пасайтирилган қурилиш-пудрат ташкилотлари бир йил мобайнида даражасини (рейтинг баҳосини) кўтариш имконидан маҳрум бўлади;

даражасини (рейтинг баҳосини) бир поғонага пасайтириш имкони бўлмаган қурилиш-пудрат ташкилотлари бир йил муддатга қурилиш-пудрат ташкилотлари электрон рейтингдан тўлиқ чиқариб ташланади.

Қурилиш-пудрат ташкилотлари томонидан ҳуқуқбузарлик содир этганлик ҳолати тасдиқланганидан сўнг уч кун муддатда Давлат экология қўмитаси ёки унинг ҳудудий бўлинмаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигига ушбу қурилиш-пудрат ташкилотларининг «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизимидаги даражасига (рейтинг баҳосига) таъсир кўрсатиш чораларини кўриш юзасидан тақдимнома киритилади.

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги тақдимнома тушган кундан бошлаб 10 иш кунда тегишли қурилиш-пудрат ташкилотининг «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизимидаги даражасига таъсир кўрсатиш чораларини қўллайди ва бу тўғрисида Давлат экология қўмитасига расмий ахборот киритади.

40. Дарахтлар ва буталарни ноқонуний кесишдан ҳосил бўлган маҳсулотлар (ёғоч, ўтин ва бошқалар) Давлат экология қўмитасининг ҳудудий бўлинмалари томонидан тегишли далолатномани расмийлаштириш орқали қабул қилиб олинади.

Ушбу маҳсулотлар (ёғоч, ўтин ва бошқалар) тайёрлов ва савдо ташкилотлари ёки тадбиркорлик субъектлари омборхоналарига вақтинча сақлаш учун жойлаштирилиши мумкин.

Дарахтлар ва буталарни санитария мақсадида ёки ноқонуний кесишдан

\* 4-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.



ҳосил бўлган маҳсулотлар (ёғоч, ўтин ва бошқалар) ўтин сифатида ишлатиш учун «Меҳрибонлик» уйлари, «Мурувват» ва «Саховат» интернат уйлари, шунингдек, таълим ва соғлиқни сақлаш ташкилотларига ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тавсиясига кўра кам таъминланган оилаларга тегишли далолатнома асосида берилади.

41. Давлат ўрмон фондига кирмайдиган ерларда дарахтлар ва буталарни кесишга рухсатномалар бериш, шунингдек, уларни ғайриқонуний кесганлик, кундаков қилганлик, шикастлантирганлик, йўқ қилганлик ёки кўчириб ўтказганлик учун ундириладиган маблағлар (зарар ва жарималар) Давлат экология қўмитасининг Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш жамғармасининг ҳисобварағига тушади ва унинг 26 фоизи Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг маҳаллий бюджетларига ўтказилади.

Тут дарахтларини ғайриқонуний равишда кесганлик, шикастлантирганлик ёки йўқ қилганлик учун ундирилган жарималар Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш жамғармасига йўналтирилади. Бунда ундирилган жарималарнинг 50 фоизи «Ўзбекипаксаноат» уюшмасининг ҳисобварағига, 26 фоизи Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг тегишли маҳаллий бюджетларига ўтказилади.

«Ўзбекипаксаноат» уюшмаси ҳисобварағига ўтказилган маблағлар, қонунбузарлик содир этилган ҳудудда мақсадли равишда янги тут кўчатларини экишга йўналтирилади. Ушбу маблағларни бошқа мақсадларга, шу жумладан, қарздорликни қоплашга йўналтириш тақиқланади.

### **7-боб. Яқунловчи қоидалар**

42. Ушбу Низом талабларига риоя қилиниши бўйича давлат назорати экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда ички ишлар органлари томонидан амалга оширилади.

43. Дарахтлар ва буталарни муҳофаза қилиш, парвариш қилиш, хатловдан ўтказиш, бириктириш, кесиш, кўчириб ўтказиш, экиш ёки компенсациявий экиш устидан жамоатчилик назорати қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

44. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2022 йил 22 августдаги 464-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига  
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 20 октябрдаги 290-сон қарори билан тасдиқланган Ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш ва ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомга 14-иловада:

илованинг номидаги «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида» сўзлари «Давлат ўрмон фонди ерларида» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорига нисбатан коэффициентларда ундириш миқдори» устуни номидаги «шунингдек аҳоли яшаш жойлари ва транспорт магистралларининг ўрмон фонди таркибига кирмайдиган дарахт-бутазорлар» сўзлари чиқариб ташлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 22 февралдаги 86-сон қарори билан тасдиқланган Махсус электрон тизим орқали рухсат этиш хусусиятига эга айрим ҳужжатларни бериш тартиб-таомиллари тўғрисидаги ягона низомга 15-илованинг 9-позицияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«

9.	Рухсат этишга оид талаб ва шартлар:	<p>а) ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонунчилик талаб ва шартларига риоя қилиш;</p> <p>б) ваколатли орган томонидан белгиланган муддатларда ва жойларга рухсатнома асосида кесилган ҳар бир дарахт ва бута учун компенсация тарзида 10 туп қимматлилиги жиҳатидан кесиладиган дарахт ва буталардан кам бўлмаган, йирик ўлчамли кўчатларини экиш (дарахт — 5 йиллик, бута — 3 йиллик) ҳамда уларни камида икки йил давомида парвариш қилиш.</p>
----	-------------------------------------	---

».

Вазирлар Маҳкамасининг  
2022 йил 22 августдаги 464-сон қарорига  
З-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган  
деб эътироф этилаётган қарорлари  
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат ўрмон фондига кирмайдиган ерларда дарахтлар ва буталардан фойдаланишни тартибга солиш ва улардан фойдаланиш соҳасида рухсат бериш тартибини янада такомиллаштириш тўғрисида» 2019 йил 17 январдаги 43-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2019 йил 27 декабрдаги 1044-сон қарорига илованинг 1-банди.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларини аниқлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» 2019 йил 21 майдаги ПФ–5723-сон Фармони)» 2019 йил 28 декабрдаги 1046-сон қарорининг 266-банди.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Махсус электрон тизим орқали рухсат этиш хусусиятига эга айрим ҳужжатларни бериш тартиб-таомиллари тўғрисидаги ягона низомни тасдиқлаш ҳақида» 2022 йил 22 февралдаги 86-сон қарорига 4-илованинг 6-банди.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида» 2021 йил 20 апрелдаги ЎРҚ–682-сон Қонуни)» 2022 йил 4 апрелдаги 153-сон қарорига илованинг 557-банди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**308 Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида фаолият кўрсатадиган мактабдан ташқари нодавлат спорт-таълим муассасаси тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида\***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Нодавлат спорт-таълим муассасаларида олимпия ва паралимпия спорт турлари бўйича спортчиларни тайёрлаш ва уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2022 йил 1 июлдаги ПҚ–302-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Нодавлат спорт-таълим муассасаларида олимпия ва паралимпия спорт турлари бўйича спортчиларни тайёрлаш ва уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2022 йил 1 июлдаги ПҚ–302-сон қарорига мувофиқ жисмоний тарбия ва спорт соҳасида фаолият кўрсатаётган мактабдан ташқари нодавлат спорт-таълим муассасасини (кейинги ўринларда — нодавлат спорт муассасаси) давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўйидаги чоралари жорий этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин:

ёзги Олимпия ва Паралимпия ўйинларида голиб ҳамда совриндор бўлган спортчилар томонидан ташкил этилган нодавлат спорт муассасаси фаолиятини олиб бориш учун давлат тасарруфида бўлган зарур бино ва иншоотларни 2024 йил 1 январга қадар ижара тўловларисиз (коммунал тўловлар бундан мустасно) уларга тақдим этиш;

2024 йил 1 январдан 2026 йил 1 январга қадар нодавлат спорт муассасаси томонидан жисмоний тарбия ва спорт хизматларини кўрсатиш учун фойдаланиладиган бино ва иншоотлар ижара тўлови харажатларини 50 фоизга камайтириш.

2. Қўйидагиларни назарда тутувчи Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида фаолият кўрсатадиган мактабдан ташқари нодавлат спорт-таълим муассасаси тўғрисида низом иловага мувофиқ тасдиқлансин:

жисмоний тарбия ва спорт соҳасида фаолият кўрсатадиган нодавлат спорт муассасасининг мақоми, мақсад ва вазифалари;

нодавлат спорт муассасасининг фаолиятини унинг муассиси (муассислари) қарори билан тасдиқланадиган ҳамда давлат хизматлари марказида рўйхатдан ўтказиладиган устав асосида ташкил этиш;

нодавлат спорт муассасаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясини белгиланган тартибда хабардор қилгандан сўнг фаолият юритишга ҳақли эканлиги;

нодавлат спорт муассасасида таълим жараёнини унинг раҳбари томонидан тасдиқланадиган ўқув дастурлари асосида амалга ошириш;

нодавлат спорт муассасасида таълим жараёнининг асосий шакллари;

нодавлат спорт муассасасига муассис (муассислар) томонидан лавозимга

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 22 августда эълон қилинган.

тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган директор рахбарлик қилиши;

нодавлат спорт муассасасини молиялаштириш манбалари.

3. Ўзбекистон Республикаси Спортни ривожлантириш вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси спортни ривожлантириш вазири А.И. Икрамов зиммасига юклансин.

## **Ўзбекистон Республикасининг**

**Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 22 август,  
466-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2022 йил 22 августдаги 466-сон қарорига  
ИЛОВА

## **Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида фаолият кўрсатадиган мактабдан ташқари нодавлат спорт- таълим муассасаси тўғрисида НИЗОМ**

### **1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом жисмоний тарбия ва спорт соҳасида фаолият кўрсатадиган нодавлат спорт-таълим муассасасининг (кейинги ўринларда — нодавлат спорт муассасаси) мақоми, мақсад ва вазифалари, таълим жараёнини ва унинг фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Нодавлат спорт муассасаси қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ташкилий-ҳуқуқий шаклда тузилган нотижорат ташкилот бўлиб, ўзининг алоҳида мулкига, банкларда ҳисобварақларига, ўз номи ёзилган думалоқ муҳрга, штампларга ва ўз рамзига эга бўлади.

Нодавлат спорт муассасаси мазкур Низомда белгиланган мақсадларга мос равишда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин.

3. Нодавлат спорт муассасаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига ҳамда бошқа қонунчилик ҳужжатларига, шунингдек, ўз уставига амал қилади.

4. Нодавлат спорт муассасасининг фаолияти унинг устави асосида ташкил этилади. Нодавлат спорт муассасасининг устави ушбу Низом асосида

ишлаб чиқилади, унинг муассиси (муассислари) қарори билан тасдиқланади ҳамда тегишли давлат хизматлари марказида рўйхатдан ўтказилади.

5. Нодавлат спорт муассасаси белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган вақтдан бошлаб ташкил этилган ҳисобланади.

6. Нодавлат спорт муассасаси таълим олувчиларнинг ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар (кейинги ўринларда — ота-оналар), фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, бошқа таълим муассасалари ва нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади.

7. Нодавлат спорт муассасаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясини белгиланган тартибда хабардор қилгандан сўнг фаолият юритишга ҳақли ҳисобланади.

## **2-боб. Нодавлат спорт муассасасининг мақсади ва вазифалари**

8. Нодавлат спорт муассасасининг мақсади аҳолининг кенг қатлами, ёшлар, шу жумладан, хотин-қизлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш, спорт турлари бўйича миллий терма жамоаларнинг асосий ва захира таркибига юқори маҳоратли спортчиларни тайёрлашни ташкил этиш ҳисобланади.

9. Нодавлат спорт муассасасининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

мактабдан ташқари спорт таълимини ҳар бир шахс, жамият ва давлат манфаатларини кўзлаган ҳолда амалга ошириш, таълим олувчиларнинг жинси, миллати, дини, ирқий мансублиги ва ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, уларнинг ҳар томонлама камол топиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

спорт турлари бўйича жамоалар ташкил этиш, улар ўртасида турли спорт мусобақалари ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларини ташкил этиш орқали истеъдодли ёш спортчиларни аниқлаш (селекция);

жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари жараёнига малакали тренерлар ва мутахассисларни жалб этиш, шунингдек, тизимли равишда илғор тажрибани жорий қилиш;

таълим тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига риоя қилиш, спорт тайёргарлиги босқичларида барча ёш гуруҳлари бўйича спортчиларни ўқитиш усуллари ва шаклларининг узвийлигини таъминлаш, соғлом рақобат муҳитини шакллантириш учун анъанавий машғулотлар ташкил этиш билан бир қаторда сифатли ва оммабоп машғулотлар ўтказишнинг муқобил имкониятларини яратадиган пуллик хизматлар кўрсатиш;

тажриба алмашиш масалалари бўйича спорт ташкилотлари ва федерациялар (ассоциациялар) билан ҳамкорликни ривожлантириш, спортчиларнинг спорт маҳоратини, шунингдек, тренерлар ва бошқа мутахассисларнинг касб малакасини ошириш;

илғор халқаро тажрибаларни инобатга олиб, ўқитишнинг инновацион педагогик шакллари ҳамда замонавий технологияларидан фойдаланиш;

ўқиш муддати ва шартлари, тўлов миқдори, томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда бошқа шартлар белгиланган шартномага мувофиқ таълим

олувчиларнинг ота-оналари ёки бошқа қонуний вакиллари билан ишларни ташкил этиш;

ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг қобилиятли ва иқтидорли фарзандларини танлов асосида бепул ўқишга қабул қилиш орқали уларнинг сифатли билим олишларига ва жамиятга уйғунлашувига қўмаклашиш.

### **3-боб. Таълим жараёнини ташкил этиш**

10. Нодавлат спорт муассасасида таълим жараёни ушбу муассаса раҳбари томонидан тасдиқланадиган ўқув дастурлари асосида амалга оширилади.

11. Нодавлат спорт муассасаси томонидан ишлаб чиқилган ўқув дастурлари бўйича ўқитиш «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 31-моддасига мувофиқ таълим олувчи ёхуд унинг ота-онаси ёки бошқа қонуний вакиллари ва нодавлат таълим ташкилоти ўртасида тузиладиган, ўқитиш муддатлари, шартлари ва тўловлари, томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда бошқа шартлар белгиланадиган шартнома асосида амалга оширилади.

12. Нодавлат спорт муассасасига ўқишга қабул қилиш тартиби «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 38-моддасига мувофиқ ушбу таълим ташкилотлари томонидан белгиланади.

13. Қуйидагилар нодавлат спорт муассасасида таълим жараёнининг асосий шакллари ҳисобланади:

гуруҳларда ва якка тартибда ўқув-машқ машғулотлари ҳамда назарий машғулотлар;

ўқув-машқ йиғинлари;

тиклаш, профилактика ва соғломлаштириш тадбирларини амалга ошириш;

шуғулланувчиларнинг турли даражадаги мусобақалар ва ўйинли учрашувларда иштирокини ташкил этиш;

шуғулланувчиларнинг инструкторлик ва ҳакамлик амалиётини ўтказиш.

14. Нодавлат спорт муассасаси томонидан спорт муассасаси битирувчиларига ўқишни тамомлаганлик тўғрисида сертификат берилади.

### **4-боб. Нодавлат спорт муассасасини бошқариш**

15. Жисмоний ва юридик шахслар нодавлат спорт муассасасининг муассислари бўлиши мумкин.

16. Ўзбекистон Республикаси Спортни ривожлантириш вазирлиги нодавлат спорт муассасасининг ўқув-тарбия жараёнига методик ёрдам кўрсатади.

17. Нодавлат спорт муассасасига муассис (муассислар) томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган директор бевосита раҳбарлик қилади.

Директор муассасанинг ташкилий-ҳуқуқий, ўқув-тарбиявий, маънавий-маърифий ва молиявий-хўжалик фаолиятининг ташкил этилиши учун бевосита масъул ҳисобланади.

Директор лавозимига қўйиладиган малака талаблари муассис томонидан белгиланади.

18. Нодавлат спорт муассасасининг муассиси ва раҳбарларининг ваколатлари унинг уставида белгиланади.

#### **5-боб. Нодавлат спорт муассасасини молиялаштириш ва моддий-техник таъминлаш**

19. Нодавлат спорт муассасаси фаолияти муассис (муассислар) томонидан тасдиқланган харажатлар сметасига мувофиқ молиялаштирилади.

Нодавлат спорт муассасаси ўзига бириктирилган мол-мулкни ва харажатлар сметаси бўйича ажратилган маблағларни мустақил тасарруф этади.

20. Нодавлат спорт муассасаси фаолияти қўйидаги манбалар ҳисобидан молиялаштирилади:

муассис (муассислар) томонидан ажратилган маблағлар;

шартнома асосида шуғулланувчилар ва уларнинг ота-оналари томонидан тўланган маблағлар;

машғулотлардан ташқари пайтда бўш бинолар, иншоотлар, асбоб-ускуналарни ижарага беришдан тушган маблағлар;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

#### **6-боб. Якунловчи қоидалар**

21. Нодавлат спорт муассасаси томонидан ҳар йили бир марта Ўзбекистон Республикаси Спортни ривожлантириш вазирлигига ва Давлат статистика қўмитасига белгиланган тартибда ҳисобот тақдим этиб борилади.

22. Нодавлат спорт муассасасида таълим сифати устидан назорат белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан амалга оширилади.

23. Нодавлат спорт муассасаси жисмоний тарбия ва спорт бўйича халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиши мумкин. Халқаро ҳамкорлик шартнома асосида хорижий ташкилотлар билан ахборот ва тажриба алмашиш, тренерларнинг малака ошириши ҳамда стажировка ўташи шаклида амалга оширилиши мумкин.

24. Нодавлат спорт муассасасини қайта ташкил этиш ёки тугатиш қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**309** Бошқа шахсга ўтказиш тақиқлаб ёки хатлаб қўйилган мол-мулклар электрон маълумотлар банкни шакллантириш, юритиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида\*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида нотариат тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 9 сентябрдаги ПФ–5816-сон Фармони ҳамда «Давлат бошқаруви соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш механизмларини такомиллаштириш ва ушбу соҳада жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2022 йил 11 майдаги ПҚ–240-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, бошқа шахсга ўтказиш тақиқлаб ёки хатлаб қўйилган мол-мулкларнинг электрон маълумотлар банкни шакллантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида нотариат тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 9 сентябрдаги ПФ–5816-сон Фармони билан кўчмас мулк ва автототранспорт воситаларини (кейинги ўринларда — мол-мулк) бошқа шахсга бериш тақиқланганлиги ва хатланганлиги тўғрисидаги маълумотларни суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд (судья) томонидан «Нотариус» автоматлаштирилган ахборот тизимига тўғридан-тўғри киритиш ва тақиқни (хатловни) ечиш механизмини жорий этиш белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. 2022 йил 1 октябрдан «Нотариус» автоматлаштирилган ахборот тизимида мол-мулкни бошқа шахсга ўтказиш тақиқлаб (хатлаб) қўйилганлиги, шунингдек тақиқлаб (хатлаб) қўйиш бекор қилинганлиги тўғрисидаги электрон маълумотлар банки (кейинги ўринларда — электрон маълумотлар банки) жорий этилсин.

3. Белгилансинки, мол-мулкни тақиқлаб (хатлаб) қўйиш, уни бекор қилиш тўғрисидаги маълумотларни электрон маълумотлар банкига киритишда: жисмоний шахснинг шахсига оид ва автототранспорт воситаларига оид маълумотлар — Ички ишлар вазирлиги;

юридик шахсга оид маълумотлар — Адлия вазирлиги;

кўчмас мулкка оид маълумотлар — Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги;

қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларига оид маълумотлар — Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси;

аттракционлар ва кўтариш иншоотлари (минора кранлари)га оид маълумотлар — Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси;

кемаларга оид маълумотлар — Транспорт вазирлиги;

\* Ушбу қарор «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 23 августда эълон қилинган.

кичик ҳажмли кемаларга оид маълумотлар — Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Кичик ҳажмли кемалар инспекциясининг электрон ахборот тизимлари орқали реал вақт режимида амалга оширилади.

4. Қўйидагиларни назарда тутувчи Бошқа шахсга ўтказиш тақиқлаб ёки хатлаб қўйилган мол-мулклар электрон маълумотлар банкини шакллантириш, юритиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин:

электрон маълумотлар банкини шакллантириш;

электрон маълумотлар банкини юритиш;

электрон маълумотлар банкидан фойдаланиш;

мол-мулкни бошқа шахсга ўтказиш тақиқлаб ёки хатлаб қўйил(ма)ганлигини электрон маълумотлар банкида текшириш.

5. Адлия вазирлиги Ички ишлар вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда:

уч ой муддатда ўзларининг тегишли маълумотлар базаларидаги мол-мулкни бошқа шахсга ўтказишни тақиқлаб ёки хатлаб қўйиш ҳақидаги маълумотларни тўлиқ хатловдан ўтказган ҳолда, ўз кучини сақлаб қоладиган тақиқ ва хатловлар рўйхатини шакллантирсин;

2022 йил 1 октябрга қадар мол-мулкни бошқа шахсга ўтказишни тақиқлаб ёки хатлаб қўйиш ҳақидаги маълумотларни тезкор равишда алмашиш мақсадида ахборот тизимлари ва маълумотлар базалари ўзаро интеграция қилинишини таъминласин.

6. Адлия вазирлиги бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Р.К. Давлетов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 22 август,  
468-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2022 йил 22 августдаги 468-сон қарорига  
ИЛОВА

**Бошқа шахсга ўтказиш тақиқлаб ёки хатлаб қўйилган  
мол-мулклар электрон маълумотлар банкни шакллантириш,  
юритиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом «Нотариус» автоматлаштирилган ахборот тизимида (кейинги ўринларда — тизим) бошқа шахсга ўтказиш тақиқлаб ёки хатлаб қўйилган мол-мулкларнинг электрон маълумотлар банкни шакллантириш, юритиш ва ундан фойдаланишни белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**бошқа шахсга ўтказиш тақиқлаб ёки хатлаб қўйилган мол-мулклар электрон маълумотлар банки** (кейинги ўринларда — электрон маълумотлар банки) — тизимнинг таркибий қисми ҳисобланадиган мол-мулкни бошқа шахсга ўтказиш тақиқлаб ёки хатлаб қўйилганлиги, уни бекор қилинганлиги тўғрисидаги маълумотлар базаси;

**мол-мулкни бошқа шахсга ўтказиш тақиқлаб ёки хатлаб қўйилганлиги ҳақидаги маълумотларни электрон маълумотлар банкида қайд этиш** — тегишли ваколатли орган ёки мансабдор шахс томонидан мулкдорга тегишли мол-мулкни тасарруф этиш, зарур ҳолларда эса ундан фойдаланиш ман этилганлиги ёки мол-мулк олиб қўйилганлиги ёхуд уни сақлаб туриш учун бошқа шахсга топширилганлиги ҳақидаги маълумотларни электрон маълумотлар банкига киритиш.

3. Электрон маълумотлар банки Олий суд, Бош прокуратура, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Транспорт вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Миллий гвардия, Давлат солиқ қўмитаси, Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси, Марказий банк, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси, Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти, Мажбурий ижро бюроси, Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг Кичик ҳажмли кемалар инспекциясининг электрон ахборот тизимлари билан интеграция қилинади.

4. Электрон маълумотлар банкига мол-мулкни бошқа шахсга ўтказиш тақиқлаб ёки хатлаб қўйиш, уни бекор қилиш тўғрисидаги маълумотлар судья, прокурор, терговчи, суриштирувчи, давлат ижрочиси, нотариус, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари ҳузуридаги идоравий нотариал архивлар (кейинги ўринларда — нотариал архив) мудирлари, солиқ органининг раҳбари (раҳбар ўринбосари), Кадастр агентлиги Давлат кадастрлари палатасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармаларининг рўйхатдан ўтказувчилари, банк ва бошқа кредит таш-

килотларининг раҳбари ёки тегишли ваколат берилган ходимлари томонидан киритилади.

5. Мол-мулкни бошқа шахсга ўтказиш тақиқлаб ёки хатлаб қўйиш, уни бекор қилиш тўғрисидаги маълумотларни электрон маълумотлар банкига киритишда:

жисмоний шахснинг шахсига оид ва автоматотранспорт воситаларига оид маълумотлар — Ички ишлар вазирлиги;

юридик шахсга оид маълумотлар — Адлия вазирлиги;

кўчмас мулкка оид маълумотлар — Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги;

қишлоқ хўжалиги, мелиорация ва йўл-қурилиш техникаларига оид маълумотлар — Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси;

аттракционлар ва кўтариш иншоотлари (минора кранлари)га оид маълумотлар — Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси;

кемаларга оид маълумотлар — Транспорт вазирлиги;

кичик ҳажмли кемаларга оид маълумотлар — Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Кичик ҳажмли кемалар инспекцияси;

бошқа мулкларга оид маълумотлар — тегишли ваколатли органлар (ташкilotлар)нинг электрон ахборот тизимларидан онлайн равишда реал вақт режимида олинади.

## **2-боб. Электрон маълумотлар банкни шакллантириш ва юритиш**

6. Электрон маълумотлар банки давлат тилида шакллантирилади ва юритилади.

7. Мол-мулкни хатлаш ёки уни бекор қилиш тўғрисида суднинг қонуний кучга кирган қарори (ажрими, ҳукми), прокурор, терговчи, суриштирувчи, давлат ижрочиси, солиқ органи раҳбари (раҳбар ўринбосари) қарори (кейинги ўринларда — қарор) дарҳол электрон шаклда — «PDF» форматда тизимга жойлаштирилади ҳамда идоралараро электрон ҳамкорлик доирасида электрон маълумотлар банкига тегишли маълумотлар онлайн равишда реал вақт режимида киритилади.

Қарор электрон рақамли имзо орқали тасдиқланганда, у электрон ҳужжат шаклида тизимга жойлаштирилади.

Электрон маълумотлар банкига мол-мулк хатланганлиги ёки хатлов бекор қилинганлиги тўғрисидаги маълумотлар судья, прокурор, терговчи, суриштирувчи томонидан идоралараро электрон ҳамкорлик орқали тегишинча «Е-XSUD» ахборот тизими ёки «Электрон суриштирув ва дастлабки тергов» ягона ахборот тизими орқали киритилади.

8. Нотариус қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ҳолларда, шунингдек, тарафларнинг келишувига асосан мол-мулкни бошқа шахсга ўтказишни тақиқлаб қўяди ва тақиқни бекор қилади. Бунда, нотариус электрон маълумотлар банки орқали мол-мулкни бошқа шахсга ўтказишни тақиқлаб қўйиши ва тақиқни бекор қилиши мумкин.

9. Банк ва бошқа кредит ташкилотлари берилган кредит ёки қарз қайтарилишини таъминлаш учун бирламчи бозордаги мол-мулк гаровга (ипотекага) қўйилган бўлса, гаров (ипотека) шартномаси тузилганда мол-мулкни бошқа шахсга ўтказишни тақиқлаб қўяди, шунингдек, мажбуриятлар бажарилганда тақиқни бекор қилади ҳамда бу ҳақдаги маълумотларни электрон маълумотлар банкига киритади.

10. Банк ва бошқа кредит ташкилотлари томонидан берилган кредит ёки қарз қайтарилишини таъминлаш мақсадида нотариал тасдиқланган гаров (ипотека) шартномаси бўйича мажбуриятлар тўлиқ бажарилган тақдирда, мол-мулкни бошқа шахсга ўтказишга қўйилган тақиқ бекор қилинганлиги ҳақидаги маълумотлар исталган нотариус, шунингдек, нотариал архивга топширилган ҳужжатлар бўйича нотариал архив мудирини томонидан электрон маълумотлар банкига киритилади.

11. Нотариал архив мудирини қўйидаги ҳолларда тақиқни (хатловни) бекор қилиш тўғрисидаги маълумотларни электрон маълумотлар банкига киритади:

судья, прокурор, терговчи, суриштирувчи, давлат ижрочиси, солиқ органи раҳбарининг (раҳбар ўринбосарининг) хатловни бекор қилиш тўғрисидаги 2022 йил 1 октябрга қадар чиқарилган қарорига асосан;

мол-мулкни бошқа шахсга ўтказиш тақиқлаб қўйилишига асос бўлган ҳужжатлар нотариал архив сақловига топширилган бўлса.

Бунда, нотариал архив мудирини мол-мулкка қўйилган тақиқ (хатлов) бекор қилинганлиги ҳақидаги маълумотларни қўйидаги ҳужжатлар тақдим этилган тақдирда электрон маълумотлар банкига киритади:

судья, прокурор, терговчи, суриштирувчи, давлат ижрочиси, солиқ органининг раҳбари (раҳбар ўринбосари)нинг мол-мулкка қўйилган хатловни бекор қилиш назарда тутилган қарори;

асосий мажбурият бажарилганлиги ва (ёки) кредитор (қарз берувчи) гаров (ипотека) шартномасидаги мол-мулкни тақиқдан чиқаришга розилиги тўғрисида хабарнома (тилхат);

мол-мулкни бошқа шахсга ўтказишни тақиқлаб қўйишга сабаб бўлган асосий мажбуриятлар бекор бўлганлиги тўғрисида хабарнома (тилхат);

тарафлар ўртасида тўлов мажбуриятини кечиктириш шarti билан тузилган шартномада назарда тутилган маблағлар тўлиқ тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат. Бунда тўлов мажбуриятини кечиктириш муддати тугагандан сўнг тўлов амалга оширилган бўлса, нотариал архив мудирини сотувчидан сотиб олувчи ўз мажбуриятларини тўлиқ бажарганлиги ва тақиқни бекор қилишга эътирози мавжуд эмаслиги ҳақида тилхатни талаб этади.

12. Мол-мулкни бошқа шахсга ўтказишни тақиқлаб ёки хатлаб қўйиш ёхуд уни бекор қилиш тўғрисидаги электрон маълумотлар банкига киритилган маълумотлар идоралараро электрон ҳамкорлик доирасида тизим орқали қўйидагиларга юборилади:

қўчмас мулклар бўйича — Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигига;

транспорт воситалари бўйича — тегишлича Ички ишлар вазирлиги, Транспорт вазирлиги, Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси, Агросаноат

мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси ва Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг Кичик ҳажмли кемалар инспекциясига.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги ПҚ–3149-сон қарори билан тасдиқланган Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишда мол-мулкни реализация қилиш бўйича электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ ўтказилган аукцион натижалари ҳақидаги баённома олди-сотди шартномаси кучига эга бўлиб, мазкур баённомадаги мулк билан боғлиқ қўйилган тақиқни (хатловни) бекор қилиш учун асос ҳисобланади.

14. Мол-мулкни бошқа шахсга ўтказишни тақиқлаб ёки хатлаб қўйиш, шунингдек, уни бекор қилишда тўлов ундирилмайди.

### **3-боб. Электрон маълумотлар банкidan маълумотларни тақдим этиш**

15. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига асосан электрон маълумотлар банкида мавжуд бўлган маълумотлар нотариус ва (ёки) нотариал архив мудирининг томонидан тўғридан-тўғри ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали ёхуд E-notarius.uz ахборот портали орқали реал вақт режимида «Нотариат тўғрисида»ги Қонуннинг 6-моддаси талабларига риоя қилинган ҳолда тақдим этилади.

16. Электрон маълумотлар банкidan маълумот олиш учун жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларида қуйидагилар кўрсатилиши лозим:

а) мол-мулк мулкдори тўғрисидаги маълумотлар:

жисмоний шахс учун — фамилияси, исми, отасининг исми, паспорт ёки идентификация ID-картаси маълумотлари ва (ёки) ЖШШИР, доимий ёки вақтинча яшаш жойи бўйича рўйхатдан ўтган манзили;

юридик шахс учун — номи, давлат рўйхатидан ўтган жойи ва солиқ тўловчининг идентификация рақами;

б) вакил орқали мурожаат қилинганда вакилнинг ваколатини тасдиқловчи ҳужжат;

в) кўчмас мулкнинг кадастр рақами, жойлашган ери;

г) транспорт воситасининг русуми, давлат рақами ва транспорт воситаси ёки бошқа кўчар мулкнинг рўйхатга олинганлиги (ҳисобда турганлиги) ҳақида ҳужжат (гувоҳнома) маълумотлари ёхуд мулккий ҳуқуқлар тўғрисидаги маълумотлар.

17. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаати бўйича электрон маълумотлар банкidan маълумот беришда (маълумотнома чоп этишда) нотариус ёки нотариал архив мудирининг томонидан ҳуқуқий ва техник тусдаги қўшимча ҳаракатлар амалга оширилганлиги учун ҳақ ундирилади.

### **4-боб. Мол-мулкни бошқа шахсга ўтказиш тақиқлаб ёки хатлаб қўйил(ма)ганлигини текшириш**

18. Мол-мулкни бошқа шахсга ўтказиш тақиқлаб ёки хатлаб қўйил(ма)

ганлигини текшириш ушбу мол-мулк тўғрисидаги маълумотларни тизимга қисман ёки тўлиқ киритиш орқали амалга оширилади.

19. Кўчмас мулкни бошқа шахсга ўтказиш билан боғлиқ нотариал ҳаракатларни амалга оширишда, ушбу кўчмас мулкка нисбатан тақиқ ёки хатлов мавжудлиги ёхуд йўқлигини тизимдан қисман текширишда қўйидаги маълумотлардан ҳар бири алоҳида киритилиши лозим:

агар мулкдор жисмоний шахс бўлса — фамилияси, исми ва отасининг исми, шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар (паспорт серияси ёки идентификация ID-картаси рақами, ЖШШИР);

агар мулкдор юридик шахс бўлса — тўлиқ номи, ташкилий-ҳуқуқий шакли, давлат рўйхатидан ўтган жойи ва солиқ тўловчининг идентификация рақами;

кўчмас мулкнинг кадастр рақами ва жойлашган ери.

20. Кўчар мулкни бошқа шахсга ўтказиш билан боғлиқ нотариал ҳаракатларни амалга оширишда, ушбу кўчар мулкка нисбатан тақиқ ёки хатлов мавжудлиги ёхуд йўқлигини тизимдан қисман текширишда қўйидаги маълумотлардан ҳар бири алоҳида киритилиши лозим:

агар мулкдор жисмоний шахс бўлса — фамилияси, исми ва отасининг исми, шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар (паспорт серияси ёки идентификация ID-картаси рақами, ЖШШИР);

агар мулкдор юридик шахс бўлса — тўлиқ номи, ташкилий-ҳуқуқий шакли, давлат рўйхатидан ўтган жойи ва солиқ тўловчининг идентификация рақами;

давлат рақам белгиси;

двигатель рақами;

кузов рақами;

завод рақами ва бошқалар.

21. Мол-мулкни бошқа шахсга ўтказиш тақиқлаб ёки хатлаб қўйил(ма)-ганлигини тўлиқ текшириш ушбу мулкларга оид маълумотларнинг барчасини тизимга тўлиқ киритиш орқали амалга оширилади.

### **5-боб. Яқунловчи қоидалар**

22. Мол-мулкни бошқа шахсга ўтказишни тақиқлаб ёки хатлаб қўйиш ҳақидаги маълумотлар электрон маълумотлар банкига ушбу Низом талаблари асосида киритилганлигини доимий мониторинг қилиб бориш нотариал архив мудир томонидан амалга оширилади.

23. Мол-мулкни бошқа шахсга ўтказишни тақиқлаб ёки хатлаб қўйиш, шунингдек, уни бекор қилиш билан боғлиқ маълумотларни электрон маълумотлар банкига киритишда юзага келадиган муаммоли ҳолатлар идоралараро келишув йўли билан ҳал этилади.

24. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**310 Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида жойлашган умумий ўрта таълим муассасаларида соғлом овқатлантириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида\***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон Фармони ижроси юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида бошланғич синф ўқувчиларини босқич-ма-босқич бепул овқат билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон Фармони билан тасдиқланган 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини «Инсон кадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили»да амалга оширишга оид давлат дастурида Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида тажриба-синов тариқасида бошланғич синф (1 — 4-синфлар) ўқувчиларини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан бепул овқат билан таъминлаш тизимини жорий этиш назарда тутилганлиги;

Вазирлар Маҳкамасининг «Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидаги умумий ўрта таълим муассасаларида бошланғич синф ўқувчиларини бепул овқат билан таъминлашни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2022 йил 9 февралдаги 67-сон қарорининг 3-банди билан Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидаги умумий ўрта таълим муассасалари 1 — 4-синф ўқувчиларини тажриба-синов тарзида 2021/2022 ўқув йили якунига қадар бепул овқатлантириш тизими жорий этилганлиги;

2022 йил учун Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти маҳаллий бюджети параметрларида мазкур ҳудудлардаги бошланғич синф (1 — 4-синфлар) ўқувчиларини бепул овқат билан таъминлаш учун 100 миллиард сўмдан жами 200 миллиард сўм ажратилганлиги;

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидаги умумий ўрта таълим муассасалари 1 — 4-синфлари ўқувчиларини тажриба-синов доирасида 2021/2022 ўқув йили якунига қадар бепул овқатлантиришни ташкил этиш учун тегишли маҳаллий бюджетларда назарда тутилган маблағлардан Халқ таълими вазирлигига 100,6 миллиард сўм йўналтирилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидаги умумий ўрта таълим муассасаларида соғлом овқатлантириш тизимини кейтеринг усулида ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин:

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 26 августда эълон қилинган.



Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидаги умумий ўрта таълим муассасаларининг 1 — 4-синфлари ўқувчиларини овқатлантирилишига қўйиладиган асосий талаблар;

ўқувчиларни кейтеринг усулида соғлом овқатлантиришни ташкил этиш тартиби;

кейтеринг ташкилоти томонидан тайёр таомларни ишлаб чиқариш ва етказиб беришни ташкил этиш тартиби;

кейтеринг усулида хизмат кўрсатувчи ташкилотларни танловини ташкил этиш ҳамда ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби;

кейтеринг ташкилоти томонидан етказиб берилган таомлар таркиби ва сифати устидан доимий назоратни таъминлаш тартиби.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Хоразм вилояти ҳокимлиги:

кейтеринг ташкилотларини Ўзбекистон Республикасининг «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонуни ҳамда ушбу қарор талабларига риоя этган ҳолда очиқлик, шаффофлик ва рақобат тамойиллари асосида танлаб олиш чораларини кўрсин;

кейтеринг ташкилотларини танлаб олишда туманлардаги умумий ўрта таълим муассасаларининг ҳудудий жойлашувини инобатга олсин;

2022/2023 ўқув йилидан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидаги умумий ўрта таълим муассасаларининг 1 — 4-синфлари ўқувчиларини бепул овқатлантиришни ташкил этиш учун ажратиладиган маблағларнинг мақсадли сарфланиши устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш ва мазкур жараёнда коррупциявий омилларнинг олдини олиш бўйича манзилли чоралар кўрсин.

4. Белгилаб қўйилсинки:

Молия вазирлиги ҳар йили Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидаги умумий ўрта таълим муассасаларининг 1 — 4-синфлари ўқувчиларини кейтеринг усулида бепул овқатлантириш учун зарур маблағларни Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда назарда тутади;

умумий ўрта таълим муассасалари 1 — 4-синфлари ўқувчиларига кейтеринг хизматини кўрсатувчи ташкилотлар томонидан етказиб берилган озиқ-овқатлар ҳисоби, ҳисоботи ҳамда кунлик таомноманинг таркиби Халқ таълими вазирлигининг «kundalik.com» платформаси орқали амалга оширилади;

кейтеринг ташкилоти умумий ўрта таълим муассасаларининг ошхонасидан фойдаланмаган ҳолда ўз имкониятлари доирасида тайёр таомларни ишлаб чиқариш ва умумий ўрта таълим муассасаларига етказиб бериш орқали овқатлантиришни ташкил этади.

5. Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда умумий ўрта таълим муассасаларида санитария-гигиена талабларига риоя этилиши юзасидан тасдиқланган жадвал асосида ҳар ойда ўрганишлар ташкил этсин.

6. Халқ таълими вазирлиги:

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда оммавий ахборот воситалари орқали халқ таълими муассасаларида ўқувчиларни соғлом овқатлантириш юзасидан тарғибот-ташвиқот ишларини олиб борсин;

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати билан биргаликда икки ой муддатда илғор хорижий тажрибани ўрганилган ҳолда кейтеринг усулида ўрта таълим муассасалари 1 — 4-синфлар ўқувчиларини соғлом овқатлантириш таомномасини қайта кўриб чиқсин;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни икки ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Б.О. Саидов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси Қ.Р. Сариев ва Хоразм вилояти ҳокими Ф.Ў. Эрманов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 25 август,  
472-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2022 йил 25 августдаги 472-сон қарорига  
ИЛОВА

**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидаги  
умумий ўрта таълим муассасаларида соғлом овқатлантириш  
tizimini кейтеринг усулида ташкил этиш  
тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидаги умумий ўрта таълим муассасаларида (кейинги ўринларда — мактаб) 1 — 4-синфлар ўқувчиларини (кейинги ўринларда — ўқувчилар) кейтеринг усулида соғлом овқатлантириш (кейинги ўринларда — овқатлантириш) тизimini ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**буюртмачи** — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Хоразм вилояти ҳокимлиги;

**кейтеринг** — ҳудудларда масофавий усулда умумий овқатланиш хизматларини кўрсатиш орқали овқатланишни шартнома асосида ташкил этиш, овқатларни тайёрлаш, етказиб бериш ва тайёр пазандачилик маҳсулотларининг чакана савдосини амалга ошириш хизматларини кўрсатиш.

3. Ўқувчиларни овқатлантириш мактабларнинг ошхоналарида санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари талабларига мос шарт-шароитлар яратилган ҳолда ташкил этилади.

4. Буюртмачи ўқувчиларни овқатлантиришни кейтеринг усулида ташкил этишда қўйидагиларга риоя қилиши шарт:

кейтеринг ташкилотини қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқ танлаб олиш;

кейтеринг ташкилоти томонидан амалга ошириладиган ишлар (хизматлар) сифати юқори даражада сақлаб қолинишини талаб қилиш;

хизматларни кейтеринг ташкилотига ўтказишда уларнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш ва хўжалик фаолияти харажатларини қисқартириш, фаолиятининг асосий бўлмаган турларини ривожлантириш ҳамда кейтеринг ташкилотига ўтказилган хизматларнинг сифатини ошириш.

5. Кейтеринг ташкилоти ходимлари мактабнинг тегишли ҳудудига олдиндан тақдим этилган ва Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган рўйхат асосида белгиланган тартибда қиради ҳамда мактаб биносида ҳаракатланади.

6. Кейтеринг фаолиятини ташкил этиш мазкур Низомга илова\* схемага мувофиқ амалга оширилади.

### **2-боб. Ўқувчиларни овқатлантиришни ташкил этишга қўйиладиган асосий талаблар**

7. Ўқувчиларни овқатлантириш кейтеринг ташкилоти томонидан Соғлиқни сақлаш вазирлигининг санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларида белгиланган озиқ-овқат маҳсулотлари асосида амалга оширилади.

8. Ўқувчиларни овқатлантириш Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати ҳамда Халқ таълими вазирлиги (кейинги ўринларда — Вазирлик) томонидан ишлаб чиқилган ҳамда тасдиқланган намунавий мавсумий таомномалар, таом тайёрлаш бўйича технологик карталар асосида ташкил қилинади.

9. Кейтеринг ташкилоти:

харид қилинаётган озиқ-овқат маҳсулотлари ва тайёрланаётган таомлар сифатлилиги;

фойдаланиладиган технологик жиҳозлар санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мослиги;

ошхона ходимлари томонидан таом тайёрлаш технологияси қоидаларига риоя қилиниши;

ошпазларнинг ҳар беш йилда бир марта малака ошириши;

ошпазларнинг тиббий кўрикдан ўтган ҳолда ишга қўйилиши учун жавобгар ҳисобланади.

### **3-боб. Ўқувчиларни овқатлантиришни ташкил этиш**

10. Мактабларда ўқувчилар кейтеринг усулида бир маҳал овқатлантирилади.

\* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

11. Кейтеринг ташкилотини танлаб олиш Вазирлик томонидан тасдиқланган техник талабларга кўра Ўзбекистон Республикасининг «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ харид қилиш тартиб-таомиллари асосида тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Хоразм вилояти ҳокимлиги томонидан ўтказиладиган танлов (тендер) яқунлари бўйича амалга оширилади.

12. Танлов (тендер) ўтказиш бўйича эълонлар ва қўйиладиган умумий талаблар Вазирлик томонидан буюртмачига тақдим қилинади ҳамда буюртмачи томонидан давлат харидлари электрон тизимининг махсус платформасига ва оммавий ахборот воситаларига жойлаштирилади.

13. Танловга буюртмачи томонидан умумий ўрта таълим муассасаларининг географик жойлашувини ва улар ўртасидаги масофани инобатга олган ҳолда алоҳида лотлар жойлаштирилади.

14. Танлов (тендер) яқунлари бўйича ғолиб деб топилган кейтеринг ташкилоти билан мактабларда кейтеринг усулида соғлом овқатлантиришни ташкил этиш хизматини кўрсатиш бўйича шартномалар Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Хоразм вилояти халқ таълими бошқармаси билан жорий ўқув йили учун белгиланган тартибда тузилади.

15. Вазирлик Ўзбекистон Аутсорсинг хизматлари кўрсатувчи корхоналар уюшмаси билан биргаликда лозим бўлган тақдирда, соҳага оид мутахассисларни жалб қилган ҳолда кейтеринг ташкилоти фаолияти устидан доимий мониторинг олиб боради.

16. Вазирлик кейтеринг ташкилоти фаолияти устидан доимий мониторинг олиб боради.

17. Кейтеринг ташкилоти сифатида хизмат кўрсатувчи талабгорларга нисбатан қуйидаги талаблар қўйилади:

умумий овқатланиш хизмати кўрсатиш бўйича камида уч йиллик тажрибага эга бўлиш;

кейтеринг хизматлари бўйича камида уч ойлик шартнома суммасига тенг айланма маблағларининг мавжудлиги;

танловда (тендерда) иштирок этиш учун ариза берилган кундан камида бир ой олдин тегишли ташкилотлардан солиқ қарздорлиги, тўловлар, бошқа мажбурий тўловлар ва молиявий санкцияларнинг мавжуд эмаслиги;

инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаган бўлиши;

коррупцияга йўл қўймаслиги тўғрисида ариза тақдим этилиши;

танловда (тендерда) иштирок этиш учун Вазирлик томонидан тегишли идоралар билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган техник топшириқ ва танлов ҳужжатлари талабларига мослиги;

соғлом овқатлантиришни ташкил этиш юзасидан таомлар тайёрлаш технологияси бўйича камида уч йиллик иш тажрибасига эга бўлган малакали мутахассисларга (муҳандис-технолог, аллерголог, диетолог, гастроэнтеролог, терапевт врач, ошпазлар) эга бўлиши.

#### **4-боб. Кейтеринг ташкилоти томонидан тайёр таомларни ишлаб чиқариш ва етказиб беришни ташкил этиш**

18. Кейтеринг ташкилоти таомларни ушбу Низомнинг 7-бандида назарда тутилган тартибда тасдиқланган таомнома асосида тайёрлайди ва ўқувчиларга етказиб бериш чораларини кўради.

19. Кейтеринг ташкилоти тайёр таомларни қадоқланган, бир марта ишлатиладиган қутиларда совиткич мосламаси ўрнатилган махсус автотранспорт воситаларида мактабларга етказилади.

20. Кейтеринг ташкилоти етказиб берилган қадоқланган тайёр таомларни мактаб ошхоналарида санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқ ўқувчиларга тарқатишни ташкил этади.

21. Кейтеринг ташкилоти етказиб берилган мактаб ошхонасида истеъмол қилинган қадоқланган тайёр таомларнинг чиқиндиларини ўз вақтида утилизация қилиш чораларини кўради.

22. Кейтеринг ташкилоти томонидан етказиб берилган таомлар таркиби ва сифати устидан доимий назоратни таъминлаш мақсадида ҳар бир мактабда 5 нафар (мактаб директори, ҳамшира ва ота-оналар вакиллари) аъзодан иборат таркибда махсус комиссия тузилади.

23. Кейтеринг ташкилоти узоқ ва олис ҳудудлардаги мактабларга қадоқланган тайёр таомларни ўз вақтида, сифати бузилмаган ҳолда етказиб бериш мақсадида ўша ерда жойлашган мактабларнинг бирида тайёр маҳсулотларни сақлашни ташкил этади.

Бунда кейтеринг ташкилоти етказиб берилган қадоқланган тайёр таомлар уларнинг сифатига таъсир қилмаган ҳолда техник воситалар орқали (музлаткич, вакуум мосламалари, овқат учун мосланган контейнерлар) сақланишини таъминлайди.

#### **5-боб. Кейтеринг фаолиятини ташкил этиш**

24. Санитария-гигиена меъёрларидан келиб чиқиб, битта ўқувчини бир маҳал озиқ-овқат билан таъминлашнинг ўртача нархи Халқ таълими вазирлиги томонидан Молия вазирлиги билан келишган ҳолда ҳар ўқув йили учун тасдиқланади.

Бунда ўртача нарх санитария-гигиена меъёрларида белгиланган миқдордаги озиқ-овқат маҳсулотларини тегишли ҳудуддаги маҳсулотларнинг ўртача бозор нархига кўпайтирган ҳолда аниқланади.

25. Кейтеринг хизматларига ҳақ тўлаш миқдори барча харажатларни (солиқлар, ходимларнинг иш ҳақи, транспорт хизматлари ҳамда асбоб-ускуналарни таъмирлаш ва улардан фойдаланиш ва бошқаларни) ўз ичига олган ҳолда 20 фоизгача миқдорда белгиланади.

26. Ўқув йили давомида янгидан синфлар очилганда (ёки ёпилганда), ўқувчилар сони ўзгарганда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан киритилган ўзгартириш асосида тасдиқланган ўртача бозор нархлари кескин ўзгарганда кейтеринг ташкилоти

ва мактаб томонидан шартнома бўйича умумий бошланғич сумманинг 10 фоизидан ошмаган миқдорда қўшимча шартнома тузилиши мумкин.

27. Ўқувчиларни овқатлантириш ташкил этилганда тайёр таомлар таомномада белгиланган миқдорларда ва санитария-гигиена меъёрларига мос равишда бўлиши шарт.

28. Кейтеринг ташкилоти томонидан соғлом овқатлантиришни ташкил этишда санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига риоя этилишини, ошхона ходимлари томонидан санитария-гигиена тадбирлари бажарилишини назорат қилиш Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг тегишли ҳудудий бошқармаси томонидан амалга оширилади.

29. Таомномада тайёр таомлар вазни, нархи, сарфланган маҳсулотлар тури ва уларнинг миқдорлари кўрсатилади.

30. Кўрсатилган хизматлар ҳисоб-китоби шартнома ойлик суммасининг 15 фоизи миқдорида олдиндан, 85 фоизи ҳақиқатда кўрсатилган хизматлар суммасидан келиб чиқиб, тақдим қилинган ҳисоб-фактураларга асосан амалга оширилади.

31. Кейтеринг ташкилоти бир ойда тасдиқланган таомномалар нусхалари ва кўрсатилган хизматлар бўйича ҳисобот ва ҳисоб-фактура ҳужжатларини кейинги ойнинг бешинчи кунидан кечиктирмасдан туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари бухгалтериясига тақдим этади.

### **6-боб. Буюртмачининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

32. Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

кейтеринг усулида овқатлантиришни амалга ошириш учун қўйилган талаблар бажарилишини ўрганиш;

тайёр таомлар сифатининг таомномага мувофиқлигини текшириш;

тайёр таомларнинг миқдори, мазаси, таркибидаги маҳсулотларнинг сифати бўйича камчиликларга йўл қўймаслик;

харид қилинаётган озиқ-овқат маҳсулотлари ва тайёрланаётган таомлар, уларда фойдаланиладиган технологик санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мослигини назорат қилиш;

туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари томонидан соғлом овқатланишни ташкил этиш юзасидан доимий мониторинг олиб бориш, жумладан, ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари ўртасида сўровномалар ўтказиш;

тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органларига мактабларда сифатли ва хавфсиз овқатланишни ташкил этиш юзасидан таклифлар киритиш;

Вазирлик Ўзбекистон Аутсорсинг хизматлари кўрсатувчи корхоналар уюшмаси, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг тегишли ҳудудий бошқармаси билан биргаликда кейтеринг ташкилоти томонидан кўрсатиладиган хизматлар сифати устидан доимий назоратни амалга ошириш ҳамда ўрганиш натижаларига кўра кейтеринг ташкилотини «инсофли ижрочи» ёки «инсофсиз ижрочи» рўйхатига киритиш.

33. Буюртмачи:

кейтеринг ташкилоти томонидан етказиб берилган тайёр озиқ-овқат маҳ-

сулотларининг ҳисоб-фактура ҳужжатлари «kundalik.com» платформасида шаклланган маълумотларга мослигини текшириши;

кўрсатилган кейтеринг хизматлари учун шартномада белгиланган миқдор ва муддатларда тўловни амалга ошириши;

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати томонидан тасдиқланган таомнома асосида овқатлантиришни ташкил этиши лозим.

Буюртмачига қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам юклатилиши мумкин.

34. Кейтеринг хизматини кўрсатувчи ташкилотлар билан ҳисоб-китоблар улар томонидан тақдим этилган ҳисоб-фактура ҳужжатлари асосида ушбу ҳужжатлар Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Хоразм вилояти халқ таълими бошқармаси томонидан «kundalik.com» платформасида шаклланган маълумотларга мослиги текширилган ҳолда амалга оширилади.

### **7-боб. Яқунловчи қоидалар**

35. Ушбу Низомда назарда тутилган талабларнинг бузилиши буюртмачи ва кейтеринг ташкилоти билан тузилган шартнома белгиланган тартибда бекор қилишига асос бўлади.

36. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

## БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ ХАВФСИЗЛИК ХИЗМАТИНИНГ  
ҚАРОРИ

**311** Суд ҳужжати асосида берилган ижро ҳужжатини ёки ижро ҳужжати бўлган суд ҳужжатини узрсиз сабабларга кўра ижро этмаган қарздор жисмоний шахснинг Ўзбекистон Республикасидан чиқишини вақтинча чеклашни таъминлаш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси, Ички ишлар вазирлиги ва Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларининг ҳамкорлиги тартиби тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил  
24 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3196-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 11 апрелдаги «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ўРҚ–762-сон Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги ва Давлат хавфсизлик хизмати **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги ва Давлат хавфсизлик хизматининг 2019 йил 23 октябрдаги 52, 82, 27-сон қарори (рўйхат рақами 3196, 2019 йил 12 ноябрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 12.11.2019 й., 10/19/3196/4015-сон) билан тасдиқланган Суд ҳужжати асосида берилган ижро ҳужжатини ёки ижро ҳужжати бўлган суд ҳужжатини узрсиз сабабларга кўра ижро этмаган қарздор жисмоний шахснинг Ўзбекистон Республикасидан чиқишини вақтинча чеклашни таъминлаш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси, Ички ишлар вазирлиги ва Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларининг ҳамкорлиги тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ қўшимчалар киритилсин.

---

\* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 24 августда эълон қилинган.



2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Бош прокурор**

**Н. ЙЎЛДОШЕВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 2 август,  
32-ҚҚ-сон

**Ички ишлар вазири**

**П. БОБОЖОНОВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 20 июль,  
33-ҚҚ-сон

**Давлат хавфсизлик  
хизмати раиси**

**А. АЗИЗОВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 29 июль,  
13-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Бош прокуратурасининг 2022 йил 2 август-  
даги 32-ҚҚ-сон, Ички ишлар вазирлигининг  
2022 йил 20 июлдаги 33-ққ-сон ва  
Давлат хавфсизлик хизматининг 2022 йил  
29 июлдаги 13-сон қарорига  
ИЛОВА

**Суд ҳужжати асосида берилган ижро ҳужжатини ёки ижро ҳужжати бўлган суд ҳужжатини узрсиз сабабларга кўра ижро этмаган қарздор жисмоний шахснинг Ўзбекистон Республикасидан чиқишини вақтинча чеклашни таъминлаш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси, Ички ишлар вазирлиги ва Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларининг ҳамкорлиги тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган қўшимчалар**

1. 5-банд «ҳақли» деган сўздан кейин «, бундан жарима тариқасидаги жиноий жазо бўйича ижро ишини юритиш ҳоллари мустасно» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

2. Қўйидаги мазмундаги 6<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

«61. Давлат ижрочиси жарима тариқасидаги жиноий жазони ижро этишни назарда тутувчи ижро ҳужжатлари бўйича ижро иши юритишни қўзғатиш тўғрисида қарор чиқариш билан бир вақтда ҳукм қилинган шахснинг ёки қарздорнинг Ўзбекистон Республикасидан чиқишини вақтинча чеклаш ҳақидаги қарор қабул қилиши шарт.»

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРОРИНИНГ  
БУЙРУҒИ**312** Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академия-  
си магистратурасига қабул қилиш ва ўқитишни ташкил  
этиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил  
24 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3381*

Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 майдаги ПФ–5438-сон «Прокуратура органлари кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда 2022 йил 15 июндаги ПҚ–279-сон «Давлат олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш жараёнларини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман**:

1. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси магистратурасига қабул қилиш ва ўқитишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази билан келишилган.

4. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Бош прокурор**

**Н. ЙЎЛДОШЕВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 13 август,  
270-сон

*Келишилди:*

**Молия вазири**

**Т. ИШМЕТОВ**

*2022 йил 11 август*

**Давлат тест  
маркази директори**

**М. КАРИМОВ**

*2022 йил 12 август*

---

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 24 августда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
Бош прокурорининг 2022 йил 13 августдаги  
270-сон буйруғига  
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси  
магистратурасига қабул қилиш ва ўқитишни ташкил этиш  
тартиби тўғрисидаги  
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси (бундан буён матнда Академия деб юритилади) магистратурасига кундузги, сиртки, кечки ва масофавий таълим шакллари бўйича ўқишга қабул қилиш ва ўқитишни ташкил этиш тартибини белгилайди.

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Академия магистратурасига (бундан буён матнда магистратура деб юритилади) ўқишга қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан тасдиқланадиган қабул квоталарига мувофиқ амалга оширилади.

2. Магистратурага қуйидаги шахслар танлов асосида қабул қилинадилар:

«Юриспруденция» таълим йўналиши бўйича таянч олий юридик маълумотга эга бўлган фуқаролар (бундан буён матнда ташқи номзодлар деб юритилади);

«Юриспруденция» таълим йўналиши бўйича таянч олий юридик маълумотга эга бўлган прокуратура органларининг ходимлари (шу жумладан, амалдаги кадрлар захирасидаги ходимлари), шунингдек бошқа таълим йўналишлари бўйича олий маълумотга ва бевосита прокуратура органларида камида 5 йиллик меҳнат стажига эга бўлган прокуратура органлари ходимлари (бундан буён матнда ички номзодлар деб юритилади).

3. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**Академия қабул комиссияси** — магистратурага ўқишга қабул қилиш бўйича танловни ўтказиш, номзодлардан ҳужжатларни қабул қилиш ва уларга маслаҳатлар бериш ҳамда бошқа ташкилий масалаларни ҳал этиш учун ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори буйруғи билан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосари раислигида тузиладиган комиссия;

**Апелляция комиссияси** — танлов натижалари бўйича номзодларнинг шикоятларини кўриб чиқиш учун Академия қабул комиссияси фаолиятида иштирок этмаган шахслар орасидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори буйруғи билан тузиладиган комиссия;

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академиясининг Кенгаши** (бундан буён матнда — Академия Кенгаши деб юритилади) —

қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ Академия фаолиятининг асосий масалаларини кўриб чиқиш мақсадида тузиладиган коллегиял маслаҳат органи;

**аттестация комиссиялари** — Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг буйруғи билан белгиланган тартибда прокуратура органлари ходимларининг хизмат бўйича лавозимга лойиқлигини аниқлаш мақсадида ташкил этиладиган, шунингдек ички номзодлар билан суҳбат ўтказиш ҳамда магистратурага танловда иштирок этишга тавсия этилган ички номзодларнинг рўйхатини шакллантириш вазифаларини амалга оширувчи комиссиялар.

**махсус электрон платформа** — Академия магистратурасига ўқишга кириш учун номзодлар томонидан ҳужжатларни онлайн топшириш учун мўлжалланган махсус ахборот тизими.

Ушбу бандда қайд этилган комиссиялар фаолиятига Академия ва прокуратура органлари ходимлари, шунингдек бошқа давлат органлари ва ташкилотлар, таълим муассасалари вакиллари, тегишли фанлар бўйича экспертлар жалб қилиниши мумкин.

4. Академия қабул комиссияси камида 7 нафар аъзолардан иборат таркибда тузилади.

Академия қабул комиссияси фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлаш Академия қабул комиссияси масъул котиби (бундан буён матнда масъул котиб деб юритилади) томонидан амалга оширилади.

Академиянинг магистратура бўлими бошлиғи (ёки ушбу вазифалар юклатилган ходим) Академия қабул комиссияси масъул котиби ҳисобланади.

Академия қабул комиссияси фаолиятида унинг уч ва ундан ортиқ аъзолари ҳамда комиссия раиси иштирок этганда ваколатли ҳисобланади.

5. Магистратура битирувчиларига тегишли мутахассисликлар бўйича давлат намунасидаги диплом ва «хуқуқ магистри» даражаси берилади.

6. Магистратурада ўқув жараёни таълимнинг кундузги, кечки, сиртки ва масофавий шакллари асосида ташкил этилади.

Магистратурада ўқиш муддати:

кундузги ва кечки таълим шаклида — бир йил;

сиртки ва масофавий таълим шаклида — ўқув дастурларидан келиб чиқиб Академия Кенгашининг қарори билан бир ярим йилдан икки йилгача этиб белгиланади.

7. Магистратурага ўқишга қабул қилинган прокуратура органлари ходимларининг эгаллаб турган лавозими ва ўртача ойлик иш ҳақи ўқиш даври мобайнида сақлаб қолинади.

8. Магистратурага кириш учун ҳужжатлар ҳар йили 10 июндан 10 августга қадар қабул қилинади.

9. Магистратурага ўқишга қабул қилиш номзодлар учун тенг ҳуқуқлик, қабулнинг ягона қоидалари ва танлов асосида амалга оширилади.

Тасдиқланган квоталар доирасида танловда энг юқори балл тўплаган номзодлар давлат грантлари бўйича биринчи навбатда, қолганлар рейтинг баллари асосида тўлов-контракт, шунингдек квотадан ташқари Академия

Кенгашининг қарорига мувофиқ белгиланадиган қўшимча табақалаштирилган тўлов-контракт асосида магистратурага ўқишга қабул қилинади.

Тўлов-контракт асосида ўқитишнинг тўлов миқдорини белгилаш бир талабани ўқитиш билан боғлиқ асосланган харажатлар миқдоридан келиб чиқиб Академия томонидан амалга оширилади.

10. Танлов ҳар йили, қоида тариқасида, август ойида, бир ҳафта муддатда ўтказилади.

Танлов ташқи номзодлар учун абитуриентнинг бакалаврият диплом бали ўртача кўрсаткичи ҳамда хорижий тилни билиш даражаси бўйича тегишли миллий ёки халқаро сертификат бали асосида, баллар кетма-кетлигига қатъий риоя қилган ҳолда амалга оширилади ҳамда қўшимча имтиҳон ўтказилмайди.

Ички номзодлар учун танлов ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан белгиланади.

11. Магистратурага қабул қилишни ташкил этиш ушбу Низомнинг иловасига\* мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

## **2-боб. Ҳужжатларни қабул қилиш**

12. Академия қабул комиссияси томонидан ҳар йили 10 майдан бошлаб ўқишга қабул қилиш муддатлари, мутахассислик номлари, қабул квоталари тўғрисидаги маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Академиянинг расмий веб-сайтларида жойлаштирилиши ҳамда оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши таъминланади.

13. Магистратурага ўқишга қабул қилиш учун номзодлардан қуйидаги ҳужжатлар талаб этилади:

сўровнома;

ташқи номзодлар учун чет тилини билиш даражасини тасдиқловчи В2 ва ундан юқори даражадаги миллий ёки халқаро сертификатларнинг электрон нусхаси;

ички номзодлар учун номзоднинг бевосита раҳбари томонидан имзоланган тавсиянома ҳамда аттестация комиссияси қарори.

14. Номзодлар томонидан ҳужжатлар электрон шаклда Академиянинг махсус электрон платформаси орқали тақдим этилади. Номзодлар иш тажрибаси ва касб малакасига оид қўшимча маълумотларни тақдим этишлари мумкин.

15. Номзодлар томонидан ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилгандан сўнг, уларга шу куннинг ўзида ҳужжатлар қабул қилинганлиги тўғрисида хабарнома юборилади.

16. Ҳужжатлар белгиланган муддатда тўлиқ тақдим этилмаган тақдирда, номзодга камчиликларни бартараф этиш ва ҳужжатларни қабул қилишнинг белгиланган муддати тугагунга қадар уларни такроран тақдим этиш имконияти берилади.

---

\* Илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Хужжатларни қабул қилишнинг белгиланган муддати тугагандан сўнг уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тақиқланади.

17. Хужжат топширган номзодларнинг рўйхати махсус электрон платформада автоматик тарзда шакллантириб борилади.

18. Ички номзодларнинг назарий билим ва амалий салоҳияти даражаси, шунингдек илмий-тадқиқот фаолияти билан шуғулланиш учун зарур бўлган қобилият ва кўникмаларга эга эканлигини аниқлаш мақсадида тегишлилиги бўйича улар хизмат олиб бораётган жойдаги прокуратура органларининг аттестация комиссияси томонидан суҳбат ўтказилади ва ички номзодларга оид хужжатлар ўрганилади.

19. Ички номзодлар билан ўтказилган суҳбат ҳамда уларга оид хужжатларни ўрганиш натижасига кўра, аттестация комиссияси томонидан қуйидаги қарорлардан бири қабул қилинади:

ички номзодни магистратурага танловда иштирок этишга тавсия этиш тўғрисида;

ички номзодни магистратурага танловда иштирок этишга тавсия этишни рад қилиш тўғрисида.

20. Аттестация комиссияларида ички номзодлар билан суҳбат ўтказиш, магистратурага танловда иштирок этишга тавсия этилган ички номзодларнинг рўйхатини шакллантириш, уларнинг хужжатларини Академия қабул комиссиясига юбориш магистратурага кириш учун хужжатларни қабул қилиш муддати тугагунига қадар амалга оширилади.

### **3-боб. Танловни ўтказиш**

21. Танловни ушбу Низомга қатъий риоя қилган ҳолда ташкил этиш Академия қабул комиссиясига юклатилади.

22. Масъул котиб танловни ўтказиш санасини белгилаш ҳамда унда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган номзодлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида Академия қабул комиссияси раисига тақдимнома киритади ва бу ҳақда Академия қабул комиссияси раисининг буйруғи қабул қилинади.

23. Танловни ўтказиш жараёни видеотасвирга олинади, ундан нусха кўчириш тақиқланади. Академия қабул комиссияси қарорига асосан танловни ўтказиш жараёни Академия расмий веб-сайтида тўғридан-тўғри намойиш этиб борилади.

24. Танлов натижалари Академия қабул комиссияси томонидан Академия расмий веб-сайтида дарҳол эълон қилинади.

25. Танлов натижаларидан норози бўлган номзодлар натижалар Академия расмий веб-сайтида эълон қилинган кундан бошлаб уч иш куни давомида Апелляция комиссиясига апелляция бериш ҳуқуқига эга.

Апелляция комиссияси тақдим этилган апелляцияни у келиб тушган кундан бошлаб икки иш куни ичида кўриб чиқади. Номзод апелляцияни кўриб чиқиш жараёнида иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Апелляция кўриб чиқиладиган кун ҳақида номзодга хабар берилади.

26. Апелляция комиссияси томонидан апелляцияни кўриб чиқишда танловнинг тўғри ўтказилганлигига баҳо берилади ва унинг натижаси бўйича

апелляция комиссияси аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қўйидаги қарорлардан бири қабул қилинади:

номзоднинг шикоятини қаноатлантириш тўғрисида;

танлов натижаларини ўзгаришсиз қолдириш ва шикоятни қаноатлантиришни рад қилиш тўғрисида.

Апелляцияни кўриб чиқиш жараёнида иштирок этмаган номзодга апелляцияни кўриб чиқиш натижасида қабул қилинган қарор тўғрисида қарор қабул қилинган куни ахборот-коммуникация воситалари орқали хабар берилади.

Апелляция комиссияси қарори комиссия раиси, аъзолари ва котиби томонидан имзоланадиган баённомада расмийлаштирилади.

27. Апелляция комиссияси қарори устидан белгиланган тартибда судга шикоят қилиниши мумкин.

#### **4-боб. Магистратурага қабул қилиш ва ўқитишни ташкил этиш**

28. Академия қабул комиссияси томонидан номзодларнинг танловда олган баллари жамланиб, умумий қайдномада ҳар бир мутахассислик бўйича ташқи ва ички номзодларнинг алоҳида рўйхати шакллантирилади.

Рўйхатда номзодлар ҳар бир мутахассислик бўйича тўпланган энг юқори баллдан бошлаб камайиб бориш тартибида ҳамда давлат гранти ва тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилинганлар кетма-кетлигида жойлаштирилади.

Бунда, таълимнинг кундузги шакли бўйича бир ўқув йилида ички номзодлардан:

бир худуддан, яъни Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар, вилоятлар прокуратуралари ва унга тенглаштирилган прокуратуралар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ва Мажбурий ижро бюросидан номзоднинг тўплаган бали кетма-кетлигига кўра кўпи билан 2 нафардан;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси марказий маҳкамасининг таркибий тармоқларидан 1 нафардан, Академиядан кўпи билан 2 нафар номзод ўқишга қабул қилиниши мумкин.

29. Қабул квоталари ва танлов натижаларидан келиб чиқиб, Академия қабул комиссияси томонидан минимал ўтиш баллари белгиланади.

30. Танлов натижаларига кўра, квота бўйича белгиланган рўйхатда охириги ўринда турувчи номзоднинг тўплаган жами бали билан ундан кейинги ўринда турувчи номзодларнинг тўплаган баллари бир хил бўлса, уларнинг барчаси ўқишга қабул қилинади.

31. Умумий қайднома асосида Академия қабул комиссияси томонидан номзодларни магистратурага ўқишга қабул қилишга тавсия этиш тўғрисида баённома расмийлаштирилиб, Академия қабул комиссияси раиси томонидан тасдиқланади.

32. Академия қабул комиссияси баённомасига асосан Академия бошлиғининг номзодларни давлат гранти асосида магистратура тингловчилари сафига қабул қилиш ҳамда тўлов-контракт асосида номзодларни дарсга қўйиш

ҳақидаги буйруғи чиқарилади ҳамда бу ҳақдаги маълумот Академия расмий веб-сайтига жойлаштирилади.

Тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилиш тавсия этилган номзодлар шартномада белгиланган тўлов суммасининг тегишли қисмини белгиланган муддатда тўлаган тақдирда Академия бошлиғининг магистратура тингловчилари сафига қабул қилиш ҳақида буйруғи чиқарилади.

33. Тўлов-контракт асосида дарсга қўйилган номзодлар шартномада белгиланган муддатда тўлов суммасини тўлиқ амалга оширишлари лозим.

Тўлов-контракт бўйича шартнома шартларини белгиланган муддатда ба-  
жармаган номзодлар ўқишдан четлаштирилади ва бу ҳақда Академия бош-  
лиғининг буйруғи чиқарилади.

Ўқишдан четлаштирилган номзоднинг ўрнига Академия қабул комиссия-  
нинг қарорига асосан баллар кетма-кетлиги бўйича рўйхатдаги кейинги ном-  
зод тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилинади.

34. Магистратурага ўқишга қабул қилинган номзодларнинг танлов би-  
лан боғлиқ ҳужжатлари уларнинг шахсий ҳужжатлари йиғмажилдига тикиб  
қўйилади.

35. Магистратурада ўқитишни ташкил этиш жараёни магистратура бў-  
лими томонидан Академиянинг кафедра, марказ ва бўлимлари билан бирга-  
ликда амалга оширилади.

36. Магистратурада ўқитиш тингловчиларни прокуратура органлари  
фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб  
боришга тайёрлаш мақсадида, уларни зарур ўқув-методик ва моддий-техник  
база билан таъминлаган ҳолда ташкил этилади.

37. Магистратурада академик кредит тизимининг жорий этилиши, Ака-  
демия ходимлари, профессор-ўқитувчилар ҳамда тингловчиларнинг ҳуқуқ ва  
мажбуриятлари, ўқув методик, илмий-педагогик фаолияти, амалиёт ўташи,  
магистрлик диссертациясини тайёрлаши ва ўқитишни ташкил этиш билан  
боғлиқ бошқа масалалар Академия томонидан белгиланади.

### **5-боб. Яқуний қоидалар**

38. Мазкур Низомда назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш  
билан боғлиқ харажатлар прокуратура органларининг бюджетдан ташқари  
жамғармалари маблағлари ҳисобидан қопланади.

39. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчи-  
лик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.



Ўзбекистон Республикаси  
Бош прокурорининг 2022 йил 13 августдаги  
270-сон буйруғига  
2-ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий  
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар  
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2019 йил 23 августдаги 217-сон «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси магистратурасига қабул қилиш ва ўқитишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 3179, 2019 йил 30 август) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 30.08.2019 й., 10/19/3179/3675-сон);

2. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2020 йил 17 апрелдаги 220-сон «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси магистратурасига қабул қилиш ва ўқитишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 1-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 3179-1, 2020 йил 29 апрель) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 29.04.2020 й., 10/20/3179-1/0524-сон);

3. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2022 йил 21 январдаги 257-сон «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси магистратурасига қабул қилиш ва ўқитишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 15-бандига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 3179-2, 2022 йил 27 январь) (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 27.01.2022 й., 10/22/3179-2/0081-сон).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ ҲУЗУРИДАГИ КАДАСТР  
АГЕНТЛИГИ ДИРЕКТОРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**313** Давлат кадастрлари ягона тизимига тегишли давлат кадастрлари маълумотларининг таркиби ва уларни тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида\*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2022 йил 25 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2618-1*

Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 6 июндаги ЎРҚ–775-сон «Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 сентябрдаги ПФ–6061-сон «Ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг 2014 йил 12 сентябрдаги 12-сон қарори (рўйхат рақами 2618, 2014 йил 8 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 41-сон, 512-модда) билан тасдиқланган Давлат кадастрлари ягона тизимига тегишли давлат кадастрлари маълумотларининг таркиби ва уларни тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Директор**

**Ф. ПУЛАТОВ**

Тошкент ш.,  
2022 йил 24 август,  
9-2022-сон

---

\* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2022 йил 25 августда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси  
Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги  
Кадастр агентлиги директорининг 2022 йил  
24 августдаги 9-2022-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Давлат кадастрлари ягона тизимига тегишли давлат  
кадастрлари маълумотларининг таркиби ва уларни тақдим  
этиш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган  
ўзгартиришлар**

1. 2-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«2. ДКЯТ ГАТ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг (бундан буён матнда Кадастр агентлиги деб юритилади) Давлат кадастрлари палатаси томонидан картографик ва тематик кадастр ахборотини ягона геофазовий ахборот базасига интеграциялаш мақсадида яратилади ҳамда юритилади.

Давлат кадастрлари ягона тизими Ўзбекистон Республикаси Миллий географик ахборот тизимида шакллантирилади.».

2. 8-банддаги «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси» деган сўзлар «Кадастр агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 12-банддаги «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг Геодезия ва картография миллий марказига» деган сўзлар «Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатасига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг  
вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларнинг  
норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан  
ўтказиш ҳолати тўғрисида  
МАЪЛУМОТИ**

**I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2022 йил 2 августдаги 32-ҚҚ-сон, Ички ишлар вазирлигининг 2022 йил 20 июлдаги 33-ққ-сон ва Давлат хавфсизлик хизматининг 2022 йил 29 июлдаги 13-сон «Суд ҳужжати асосида берилган ижро ҳужжатини ёки ижро ҳужжати бўлган суд ҳужжатини узрсиз сабабларга кўра ижро этмаган қарздор жисмоний шахснинг Ўзбекистон Республикасидан чиқишини вақтинча чеклашни таъминлаш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси, Ички ишлар вазирлиги ва Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларининг ҳамкорлиги тартиби тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

**2022 йил 24 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3196-1.**

2. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2022 йил 13 августдаги 270-сон «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси магистратурасига қабул қилиш ва ўқитишни ташкил этиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

**2022 йил 24 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3381.**

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги директорининг 2022 йил 24 августдаги 9-2022-сон «Давлат кадастрлари ягона тизимига тегишли давлат кадастрлари маълумотларининг таркиби ва уларни тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

**2022 йил 25 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2618-1.**

**II. Давлат реестридан чиқарилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2019 йил 23 августдаги 217-сон «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси магистратурасига қабул қилиш ва ўқитишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 3179, 2019 йил

30 август), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 3179-1, 2020 йил 29 апрель), (рўйхат рақами 3179-2, 2022 йил 27 январь).

*2022 йил 24 августда давлат реестридан чиқарилди.*

**Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

